# O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

ISSN 2181-502X

№10. 2019




## 1 ОКТЯБРЬ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУБОРАК БЎЛСИН!



# ЎН ЙИЛЛИК ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси лойиҳаси https://regulation.gov.uz/uz сайтида кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида жадал ислоҳотлар олиб борилмоқдаки, бу ҳозирданоқ аграр соҳада ўз натижаларини бера бошлади. Масалан, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти мамлакатимизга жами экспорт даромадининг қарийб **25** фоизини келтирмоқда. Бошқача айтганда, **180** дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари **80** дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинаётир. Ички бозоримизда эса тўкин-сочинликни кузатамиз. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз аграр соҳаси изчил равнақ топиб бормоқда.

Лекин, жаннатмакон юртимизда соҳани янада ривожлантириш, фермерлар даромадини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш борасида фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўп.

Шу сабабли, кейинги ўн йилликдаги истиқболни белгилаб берувчи **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси,** шунингдек, мазкур **Стратегияни** амалга ошириш бўйича **"Йўл харитаси"** ишлаб чиқилди. Унда алоқадор вазирлик ва идораларнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Жумладан, бу кенг қамровли ҳужжатда тўққизта стратегик йўналишлар бўйича асосий ислоҳотларни амалга ошириш тизими белгиланган. Улар қуйидагилардан иборат:

**– аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;**

**– қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирларини яратиш;**

**– соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш;**

**– табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;**

**– давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш;**

**– тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини диверсификация қилиш;**

**– қишлоқ хўжалиги илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;**

**– қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;**

**– тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.**

Бу борада Стратегияни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги унинг ишчи органи этиб белгиланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Стратегиядаги тўққизта йўналиш бўйича ислоҳотларни тизимли амалга оширишда бугунги ҳолат, асосий тўсиқ ва имкониятлар ҳамда муҳим вазифалар хусусида батафсил тўхталиб ўтилган, яъни аграр соҳадаги бугунги жараёнларда нималар тўсиқ бўлаётгани, қандай имкониятлар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш, имкониятлардан янада самарали фойдаланиш йўллари асосий вазифаларда кенг баён этилган.

Йўл харитасидаги тўққизинчи қисмнинг 112-бандида тегишли чора-тадбирлар, уларни амалга ошириш тизими, ижро муддати ва масъул ижрочиларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилган. Масалан, Мелиорация ва шўрланиш даражасини мониторинг қилиш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш хусусидаги комплекс чора-тадбирлар Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Давергеодезкадастр қўмитаси зиммасига юклатилган. Демак, мазкур вазирлик ва қўмита 2020 йил 1 февралгача комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши лозим.

Шунингдек, маҳаллий сувтежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмаларини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги ва Молия вазирликлари 2020 йил 20 декабрга қадар ишлаб чиқиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида тегишли иловаларга боғлиқ тармоқларнинг асосий ҳамда стратегик тўққизта йўналишлар кесимидаги кўрсаткич ва индикаторлар аниқ рақамлар ҳамда фоизлар шаклида қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжатда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган, рақобатбардош, ички ва ташқи бозорларга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини ривожлантириш стратегиясининг узоқ муддатли мақсад ва режалари мужассамдир.

Бу жараёнда кенг жамоатчилик ўзининг таклифлари, фикр ва мулоҳазалари билан иштирок этиши ўн йиллик истиқболимизни белгилаб берувчи ушбу тарихий ҳужжатнинг янада такомиллашиб, мукаммаллик касб этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, қалбида жамият ҳаётига дахлдорлик ҳисси бор барча олим ва мутахассислар, аграр соҳа билимдонлари **https://regulation.gov.uz/uz** сайтига кириб, ўзларининг қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдирсалар, айни муддао бўлур эди.

Ҳалқимизда "Қудуққа тушиб оёғинг остини эмас, тепаликка чиқиб олисни кўзла", деган нақл бор. Мамлакатимизда кечаётган жадал ислоҳотлар жараёнини кузатар эканмиз, ишларимизни батартиб, режали ва тизимли амалга ошириш учун кўплаб йўл хариталари, истиқболли режалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" келгусида алоқадор вазирлик ва идораларнинг кўп сонли меҳнаткашлари учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши тайин.

**Тоҳир МУҲАММАД**

# АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ҚАРАТИЛАДИ

***Яқин 10 йил ичида томчилатиб суғориш технологияси қўлланиладиган экин майдонлари 2 миллион гектарга етказилади***



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг раҳбар ва мутахассислари, соҳа олимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраевнинг маълум қилишича, вазирлик томонидан сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш ва экинларни суғоришда ресурстежамкор инновацион технологияларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, томчилатиб суғориш технологиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда қарийб 30 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилди. Шунинг 11 минг 221 гектари ғўза, 17 минг 147 гектари боғ ва ток, 1 минг 429 гектари бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларидир.

Шу билан биргаликда жорий йилда республикамизда 12,6 минг гектар майдонда плёнка тўшаб, 43,5 минг гектар майдонда қувурлар орқали, 1150 гектардан ошиқ майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрда қабул қилинган “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинган ҳар бир гектар пахта майдонига давлат ҳисобидан 8 миллион сўм субсидия тақдим этиш белгиланган эди. Фармонга асосан, бу йил томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган 195 та хўжалик юритувчи субъектларга 92 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Сув хўжалиги вазирлиги ҳар йили 200 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этишни ва яқин 10 йил ичида ушбу технология қўлланиладиган экин майдонларини 2 миллион гектарга етказишни режалаштирган.

Сув хўжалиги вазирлиги тизимида жами 1 минг 687 та насос станцияларида 5 минг 285 та агрегат мавжуд бўлиб, республикамиздаги жами 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларнинг 2,3 млн. гектари ушбу насос станциялар орқали суғорилади.

Насос станцияларида энерготежовчи қурилмаларни ўрнатилиши ҳисобига жорий йилнинг 8 ойида 5 млрд. 395 млн. кВт. электр энергияси сарфланди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 422 млн. кВт. соат электр энергиясини тежашга эришилди.

Йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 500 млн. кВт соатга етказиш режалаштирилган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан имзоланган битимга мувофиқ, республикамизнинг асосий сув объектларига замонавий “Smart Water” (Ақлли сув) тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг грант маблағи эвазига молиялаштирилаяпти. Лойиҳага кўра, республикамизнинг 61 та объектлари (16 та сув омбори ва 45 та канал)га манбадаги сув сарфини реал вақт режимида (онлайн) кузатиш имконини берувчи тизим ўрнатилади.

“Smart Water” тизимининг замонавий қурилмалари объектдаги сув сарфи, об-ҳаво, ёғингарчилик ва бошқа маълумотларни фото ва видеоматериаллар шаклида онлайн режимда автоматик тарзда вазирликда ташкил этилган ягона мониторинг ва кузатув марказига узатиб туради.

2022 йилгача ушбу тизимни 400 та сув олиш нуқталарига жорий қилиш назарда тутилган.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Камаловнинг таъкидлашича, агентликнинг асосий вазифаси хорижий молия ташкилотларининг грант ва кредит маблағларини жалб қилиш ва тадбиркорлик соҳасига йўналтиришдан иборат. Хусусан, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, интенсив боғдорчилик, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун музлаткичли омборхоналар барпо этиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш технологиялари, шунингдек, замонавий иссиқхоналар барпо этиш каби ишлар шулар жумласидандир.

Шунингдек анжуманда, агентлик томонидан 2019–2021 йилларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобига 3 млн. тонна сиғимга эга бўлган йирик агрологистика комплекслари барпо этиш, қиймати 1 млрд. 400 млн. АҚШ долларлик 7 та лойиҳани амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича жами 174 озиқ-овқат соҳасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 24 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда мавжуд самарасиз боғлар ўрнида 36 минг гектар интенсив боғлар ташкил этиш каби қатор янги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш кўзда тутилаётганлиги маълум қилинди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

***Ўз мухбиримиз***

# ҚИР-АДИРДА МЕҲНАТ АВЖИДА

## лалмикор майдонларда кузги бошоқли дон экинларини етиштириш ва парваришлаш

Ҳозирги кунда республиканинг лалмикор майдонларида ҳар қандай об-ҳаво шароитларида барқарор юқори ҳосил етиштиришнинг асосини ташкил этадиган ғалла-тоза ва банд шудгор, ғалла-банд шудгор-беда алмашлаб экишни ва бу тизимда ноқулай тупроқ ва об-ҳаво шароитларига, турли касаллик ва зараркунандаларига чидамли бўлган бошоқли дон экинлари навларини экиш, уларни ресурстежамкор агротехнологиялар асосида етиштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада жами 752,9 минг гектар ҳайдаладиган лалмикор майдонлар мавжуд бўлиб, шундан 91,1 минг гектар текислик минтақаларга, 560,2 минг гектар қир-адирлик минтақаларга, 101,6 минг гектар тоғолди ва тоғли минтақаларга тўғри келади. Қуйида лалмикор майдонларда фермер хўжаликларнинг тупроқ ва об-ҳаво шароитларини, қайси соҳага ихтисослашганлиги, ер майдонининг хажмини ҳисобга олган ҳолда ғалла-шудгор нав-батлаб экишнинг қисқа ротацияли схемаларини қўллаш тавсия этилади.

Ёғин-сочин билан таъминланмаган (ўртача йиллик ёғин-сочин 250–280 мм) текислик минтақаларда ( икки далали ғалла-тоза шудгор (ғалла 50%, тоза шудгор 50%);

Ёғин-сочин билан ярим таъминланган (ёғин-сочин миқдори 350–400 мм) қир-адирлик минтақада уч далали – тоза шудгор-ғалла-ғалла (тоза шудгорнинг улуши 34%, ғалла 66%) ва беш далали – тоза шудгор-ғалла-ғалла-банд шудгор-ғалла навбатлаб экиш схемаси, бу схемада тоза ва банд шудгор 40%, ғалла эса 60 фоизни ташкил этади.

Ёғин-сочин билан таъминланган (йиллик ёғин-сочин миқдори 400 мм дан кўпроқ) тоғолди минтақаларда олти далали – тоза шудгор-ғалла-ғалла-банд шудгор ғалла-ғалла навбатлаб экиш схемалари (ғалланинг улуши 66%, тоза ва банд шудгор 34%).

Ёғин-сочин билан таъминланган тоғли минтақаларда (ёғин-сочин миқдори 400–600 мм) ўн далали – ғалла-банд шудгор-беда алмашлаб экиш схемаси. Бу схемада ғалла улуши 40%, беданики 50% ва тоза ёки банд шудгорники 10 фоизни ташкил этади.

**Кузги бошоқли дон экинларини экиш учун ер тайёрлаш**. Лалмикор минтақаларда тупроққа ишлов бериш усули ва чуқурлиги экин турига, экиш муддатига ва ўтмишдошга қараб ўзгаради.

Лалмикор майдонларда ғалладан бўшаган ерлар октябрь ойининг биринчи ярмидан бошлаб плуглар ёрдамида 20–22 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади. Бу вақтда тупроқда намликнинг ниҳоятда кам бўлиши натижасида шудгор қилинган далаларда



катта-кичик кесаклар пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда бу кесакларни майдалаш учун роторли фрезер, БДТ-3, БДТ-9, ЛДГ-10 русумли оғир дискали бороналардан фойдаланилади. Тоғолди ва тоғли лалмикор ҳудудларда ён бағирлар албатта кўндалангига шудгор қилиниши тупроқнинг ёмғир ва жала натижасида ювилиб кетишининг олдини олишдаги муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли айрим йилларда ерни экишга тайёрлаш ва экиш ишларини тупроқда етарли нам тўплангандан сўнг, яъни октябрнинг охири-ноябрь ойларида олиб боришга тўғри келиши мумкин.

**Кузги бошоқли дон экинларининг уруғини экишга тайёрлаш.** Жамғарилган уруғлик дон махсус ғалла тозалаш машиналари (СМД-4, ОВП-20, Петкус) билан давлат стандарт талаблари асосида тозаланиб сараланади, шундан сўнг ғалла майдонларида учрайдиган ва ҳосилга катта зарар етказадиган қаттиқ ва чанг қоракуя касалликларига қарши уруғлик дон ҳар бир тонна уруғ ҳисобига 2,5 кг дан “Буғдойдор” (“Электрохимзавод”, Ўзбекистон), “Витавакс 200” (“Юнироял Кемикал”, Англия) ва бошқа тавсия этилган кимёвий воситалар билан экишдан 3–4 ҳафта олдин дориланиши зарур.

**Кузги бошоқли дон экинларини экиш муддати ва меъёри.** Республиканинг ёғин-сочин билан таъминланмаган текислик лалмикор майдонларида кузги бошоқли дон экинлари уруғини экишнинг мақбул муддати **октябрнинг охири ва ноябрнинг биринчи ўн кунлиги**, ярим таъминланган қир-адирлик минтақада **октябрнинг иккинчи ярми**, тоғолди ва тоғли ҳудудларда эса **сентябрнинг охири-октябрнинг биринчи ўн кунлиги** ҳисобланади.

Экиш меъёри лалмикор минтақаларга қараб қуйидагича ўзгариб боради: Таъминланмаган текислик минтақада 90–110 кг (2,5–3,0 млн. дона), ярим таъминланган қир-адирлик минтақада 120–130 кг/га (3,0–3,5 млн. дона), тоғолди ва тоғли минтақаларда 140–150 кг/га (3,5–4,0 млн. дона) унувчан уруғ ҳисобида экилади.

**Лалмикор майдонларда экиладиган бошоқли дон экинлари навлари.** Таъминланмаган текислик ва ярим таъминланган қир-адирлик минтақалар учун юмшоқ буғдойнинг “Тезпишар”, “Кўкбулоқ”, “Сангзор-6”, “Оқ буғдой”, “Красноводопад-210”, “Бахмал-97”, қаттиқ буғдойнинг “Леукурум-3”, “Марварид”, “Жавоҳир”, “Ёқут-2014” навлари, арпанинг “Унумли арпа”, “Нутанс-799”, “Лалмикор”, “Саврук”, “Абу-Ғофур”, “Абу-Ғофур-20”, “Хотира-59” навлари. Тоғ олди ва тоғли минтақалар учун буғдойнинг “Истиқлол-6”, “Сўғдиёна”, “Оқ буғдой”, “Сурхак-5688”, “Бахмал-97”, “Сангзор-6”, арпанинг “Унумли арпа” , “Лалмикор”, “Саврук”, “Абу-Ғофур”, “Абу-Ғофур-20”, “Адир”, “Баҳорикор” каби навларини экиш тавсия этилади.

**Кузги бошоқли дон экинларини**

**ўғитлаш.** Турли лалмикор майдонларда кузги бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда маҳаллий ва минерал ўғитлар қўллаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу майдонларда ўғитлар ҳисобига олинадиган қўшимча ҳосил ва кутиладиган иқтисодий самарадорлик ёғин-сочин миқдорига, тупроқ унумдорлигига, ўтмишдош экин турига, ўғитларни қўллаш муддатлари, меъёри ҳамда уларнинг турига боғлиқ.

Вилоятнинг ёғин-сочин билан таъминланмаган текислик минтақаларида минерал ўғитлар аксарият йилларда самара бермайди. Фақат об-ҳаво серёғин келган (300–350 мм) йиллардагина ўғитлар қўллаш тавсия этилади. Бу йилларда кузги ғалла экинлари учун гектарига соф таъсир этувчи модда ҳисобида 30 кг дан азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар бериш зарур.

Ёғин-сочин билан ярим таъминланган лалмикор ерларда ўғитлар меъёри 40 кг/га азот, фосфор ва калийлини, таъминланган тоғолди ва тоғли майдонларида барча ўғитлар меъёрини 50 кг/га, серёғин келган йилларда (400–600 мм) эса 60 кг/га. гача (соф таъсир этувчи модда ҳисобида) бериш ҳосилдорликни ўртача 4–5 центнерга ошириш имконини беради. Барча лалми ерларда фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини кузда, экиш олдидан, азотли ўғитларни эса эрта баҳорда, ғалла майсаларининг баҳорги вегетацияси бошланган пайтда бериш тавсия этилади.

**Ўсимликларни ҳимоя қилиш.** Лалмикор майдонларда бегона ўтларни камайтиришда, тупроқдаги намликни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга агротехнологик тадбирлардан бири бороналашдир. Бу тадбирни ёғин-сочин кам бўладиган қуйи лалмикор ерларда март, ярим таъминланган қир-адирлик майдонларда март-апрель, тоғ олди ва тоғли ерларда эса май ойининг биринчи ўн кунлигида бажариш лозим.

**Бегона ўтларга қарши кураш.** Республика Давлат реестрига киритилган гербицидлардан гектарига 75 фоизли “Гранстар”, “Гранстар плюс” (15–20 г), “Дафосат” (10–20 г), 50 фоизли “Гранстар плюс”, “Биостар”, “Энтостар”, “Тайфун” (15–20 г/га ҳисобида) ва бошқалардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Касалликларга қарши кураш.** Кузги ғалла майдонларида учрайдиган сариқ ва қўнғир занг, сариқ барг доғланиши ва бошқа касалликларга қарши гектарига 0,3 л ҳисобида 33% ли Альтосупер (“Сингента”, Швейцария), 1,0 кг/га ҳисобида 25% ли “Байлетон” (“Байер Кроп”, Германия), 0,3-0,5 л/га “Колосал” (“Август” ЁАЖ, Россия), 0,260 л/га “Титул”, “Титул дуо” (“Щелково, Россия”) ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.

**Зараркунандаларга қарши кураш.** Лалмикор майдонларида кузги бошоқли дон экинлари ҳосилига ва унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатаётган зараркунандалардан зарарли хасва, шилимшиқ қурт, ширaларга қарши курашда гектарига 0,15-0,20 л/га ҳисобида “Атилла” ва “Багирра” шунингдек яйловзорлардаги чигирткаларга қарши 0,05-0,08 л/га ҳисобида “Децис” инсектицидларни пуркаш зарур. Барча турдаги кимёвий препаратларни ҳавонинг очиқ, шамол тезлиги 0,5 м/сек дан ошмаган вақтда пуркаш яхши самара беради, бунда сув сарфи гектарига 200-300 л ни ташкил этиши лозим.

**Ш.ОРИПОВ,** *қ.х.ф.ф.д.,*
**Ҳ.ҚАРШИБОЕВ,** *қ.х.ф.ф.д.,*
**Б.ҲАЙДАРОВ,** *қ.х.ф.ф.д.,*
**Ҳ.ЮСУПОВ,** *қ.х.ф.н.,*
**С.ҒАЙБУЛЛАЕВ,** *қ.х.ф.н.,*
*ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси.*

# ЭРТА ЭККАН ЭРТА ЙИҒАДИ

***ёки тўқсонбости муддатда сабзавот экинларини етиштириш бўйича маслаҳатлар***

Қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган сабзавот маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг асосий мақсади – ҳар бир гектар суғориладиган майдонлардан унумли фойдаланган ҳолда олинадиган маҳсулотлар миқдорини юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳисобига кескин оширишдан иборат.

Сабзавот уруғлари экилган эгатлар устидан чириган маҳаллий ўғитлар ёки дарахт қипиқлари билан мулчалаш ёки шаффоф полиэтилен плёнкаларини ёпиш тадбирлари қўллаш экилган сабзавот уруғларининг эрта кўкламда барвақт униб чиқиб, жадал ўсиб ривожланиши ҳисобига эрта баҳорда экишга қараганда ҳосил етилиши 25–30 кунгача эртароқ, ҳосилдорлиги эса 15–20% га ортиқроқ бўлади.

Кеч кузда совуқ ва намгарчилик бошланмасдан олдин тўқсонбости усулида экиш учун ноябрь ойининг охири-декабрь ойининг биринчи декадасида совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат) экинларининг уруғлари сепилади. Тўқсонбости қилиб сепиладиган сабзавот уруғлари сарфи 20 фоизгача кўпроқ бўлиши керак.

Ҳаво ҳарорати 18–20°С бўлганда тўлиқ унади, кузда экилган сабзи, пиёз ва лавлагининг барглари кўкламда экилганига қараганда 1,5–2 баравар катта бўлиб, ҳосил 25–30 кун олдин етилади ҳамда ҳосилдорлиги гектаридан 14-15 фоизгача юқори бўлади. Бунда ушбу экинларнинг эркаклаб кетмайдиган навларини экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Республикамизнинг об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб ҳар бир минтақа учун янги районлаштирилган, мўл ҳосилли, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, зараркунанда ва касалликларга чидамли, механизмлар ёрдамида ишлов беришга мослашган, ҳар бир экиш муддати учун мос навларни тўғри танлаш лозим.

**Пиёз** уруғини тўқсонбости усулида экиш жанубий вилоятларда 1–30 декабрда, марказий минтақада жолашган вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунларига тўғри келади. Пиёз уруғи ҳар бир гектарига 18 кг. гача сарфланади.

Тўқсонбости муддатда пиёзнинг маҳаллий шароитда яратилган “Истиқбол”, “Зафар”, хорижнинг “Манас”, “Дайтона”, “Леоне”, “Банко” навларини экиш тавсия этилади.

Баҳорда пиёз дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6–8 см. га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор оралари КРН-2,8 А русумли культиватор билан ерга 15–16 см чуқурликда ишлов берилади.

**Ўғитлаш**. Пиёз ўсимлиги патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озиқа элементларнинг кўп бўлишини талаб қилади.

Пиёздан ҳар гектарига 30 тоннагача ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга

юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор тупроқларда 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий, паст унумдор тупроқларда 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий берилиши лозим.

Фосфор ўғитининг йиллик миқдорининг 70-75% ерни асосий ишловида, қолган



қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот ўғитини вегетация даврида озиқлантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш пиёз яганаланиб, пиёз ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Гўнг берилганда гўнгдаги бегона ўтлар уруғлари униб чиқиб, олинадиган ҳосилга салбий таъсир этади.

Ҳосил пишиш даври: июль охири-август.

Сабзи уруғини тўқсонбости усулида экиш ишлари жанубий вилоятларда 1–30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунларига тўғри келади.

Сабзининг илдизмеваси қизил рангли, маҳаллий "Зийнатли", "Фаровон", хорижнинг "Шантане-2461", "Курода Шантанэ", "Нантская 4", "Канада", "Карсон" каби нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Сабзи уруғлари катта майдонларда СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялкалар билан 1,5–2 см чуқурликка 52х8, 62х8 см схемада ёки кичик майдонларда қўлда сочиб экилади. Майдон суғорилмайди Уруғ сарфи гектарига 5–6 кг. ни ташкил этади. Сабзи уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.



Сабзи уруғлари баҳорда униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3–4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши, экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2–3 кг. дан бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1–2 чинбарг чиқарган вақтда 12,5 фоизли "Фюзилад Супер" препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

Сабзи иккинчи марта ягана қилиниб, ўтдан тозалангандан кейин қатор оралари трактор культиваторида юмшатилади.

Ўғитлаш. Сабзининг гектаридан 30 тоннагача ҳосил олиш учун юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 175 кг азот, 130 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор тупроқларда 220 кг азот, 160 кг фосфор ва 100 кг калий, паст унумдор тупроқларда 250 кг азот, 200 кг фосфор ва 120 кг калий берилиши лозим.

Суғориш. Сабзи ўстиришда тупроқнинг түйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% бўлиши керак.

Сабзи апрел ойининг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади. Дастлабки пайтларда экин ҳар 1,5–2,0 ҳафтада, май ойининг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал суръатда катталашаётганда эса ҳар 7–8 кунда суғорилади. Ҳосил етилиб, йиғим-терим пайти яқинлашганда суғориш тўхтатилади.

Ҳосил пишиш даври: плёнка билан қопланганда апрел, очиқ майдонда май ойида.

Ош лавлаги уруғларини тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1–30 декабрда, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунларига тўғри келади.

Ош лавлагининг маҳаллий "Диёр", "Ягона" ва хориждан келтириладиган навларидан "Бордо-237", "Бикорес", "Боро" $F_1$, "Детройт", "Пабло" $F_1$ дурагайлари тавсия этилади.

Лавлаги уруғлари 4–5$^{o}$С да униб чиқа бошлайди, ўсиб ва ривожланиб бориши учун энг қулай ҳарорат 20–25$^{o}$С дир. Лавлаги совуқ (-2–3$^{o}$) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.



Уруғ сарфи тўқсонбости усулида экишда 16–18 кг. Экиш эгатлари 60–70 см бўлиб, 2–3 қаторли, ўсимлик оралари 8–10 см, 2–3 см уруғлар чуқурликка экилади. Ош лавлаги уруғи экилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар бахорда бошланади.

Ҳосил пишиш даври: плёнка билан қопланганда апрелда, очиқ майдонда майда.

Кўкат сабзавотлар овқатга турли кўринишда ишлатилади. Уларга бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик сабзавотлар киради. Кўкат сабзавотлар витаминларга, минерал тузларга, эфир мойларига ва ферментларга бой бўлиб, зиравор сифатида сабзавотларни тузлашда ҳам ишлатилади.

Кўкат сабзавотлар юқори ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, иссиққа кам талабчанлиги, тупроқга, намга ва озиқ моддаларга кўп талабчанлиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб туради.

Кўкат сабзавотларга юқори ҳарорат салбий таъсир қилади, иссиқ ортиқча ва ҳавонинг нисбий намлиги паст (60% дан) бўлса, ўсимлик барвақт гулпоя чиқаради, барглари суст ўсади, ҳосили камаяди, баргининг сифати пасаяди, шираси кам, ўзи дағал бўлиб қолади. Улар яхши гўнгланган, унумдор ерларга экилса, юқори сифатли ҳосил олинади.

Салат бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглардан иборат паст тупбарг ёки салатбоши ҳосил қилади.

Салатнинг маҳаллий "Кўк шох" ва хориждан келтириладиган "Фиоретт", "Конкорд" $F_1$, "Лагунас" $F_1$, "Левистро" $F_1$, "Саула" $F_1$ навлари экиш учун тавсия этилади.

Салат совуққа чидамли ўсимлик. Баргларининг ўсиши ва бош ўраши учун қулай ҳарорат кундузи 15–20$^{o}$С ва кечаси 12–15$^{o}$ С бўлиши керак. У 5$^{o}$С паст ҳароратда ҳам оз бўлса-да ўсаверади.

Уруғи лентасимон усулида 2–3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45—60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см қилинади. Бир гектар ерга салат уруғидан 4–5 кг, бошли салатникидан 3–4 кг экилади. Салат уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар бахорда бошланади.

Салат ўсимлигини парваришлашга ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш

ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари киради. Баргли салат майсалар пайдо бўлгандан 30–40 кундан кейин ҳосили бир йўла йиғиштириб олинади. Бошли салатни ҳосили 45–50 кундан кейин уларни етилишига қараб кундузи, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади.

Салат ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% бўлиши керак.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда салат ўсув даврида 7–8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2–3 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450–500 м$^3$ ҳисобидан суғорилади. Салатни ҳаддан ташқари катта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

Ҳосил пишиш даври: плёнка билан қопланганда мартда, очиқ майдонда апрелда.

Исмалоқ – бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан 8–10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради.

Исмалоқ ўсимлиги совуққа чидамли сабзавотлар қаторига киради. Уруғи 3$^o$С ҳароратда кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6–8$^o$С гача совуққа бардош беради. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳаво намлигини пасайиб кетиши ўсимликка салбий таъсир қилади, барглари майда бўлиб қолади. Исмалоқ ҳосили ниҳоллар пайдо бўлгандан 25–40 кундан сўнг йиғиб олинади.

Исмалоқнинг фақат битта “Нафис” нави Давлат реестрига киритилган. Исмалоқ сабзавот сеялкалари билан қўшқаторлаб, лентанлар ораси 50–60 см ва қаторлар орасини 15–20 см. дан қилиб экилади. Ҳар гектар ерга 15–20 кг уруғ, 2–3 см чуқурликка кўмилади. Исмалоқ уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Ўсув даврида парвариш қилиш ишлари экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат. Озиқ-овқатга ишлатадиган исмалоқ ягана қилинмайди. Исмалоқ 5–6 та барг чиқаргандан бошлаб кесилиб ёки юлиниб ҳосили бир неча марта йиғиштирилади. Гулпоялар чиқарганда ҳосили терилмайди. Исмалоқнинг ҳосилдорлиги гектарига ўртача 120–150 ц/га. ни ташкил этади.



Исмалоқ ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% бўлиши керак.

Укроп бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Укропнинг маҳаллий “Узбекский-243”, “Ором” ва хориждан келтириладиган “Анет” навлари экилади. Кўкглигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепилади. Бир гектар ерга 20–25 кг уруғ сарфланади.

Укроп уруғи секин униб чиқади. Укроп ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади.

Кўклигида ишлатиладиган укроп апрель ойидан бошлаб, бўйи 10–15 см. га етганда ўриб олинади. Укроп кўклигида ишлатиш учун экилганда гектаридан 10–12 тоннагача ҳосил олинади.

Укроп ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% бўлиши керак.

Кашничнинг “Орзу” ва “Янтарь” навлари районлаштирилган.



Кашнич совуққа чидамли бир йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғи ўсиши учун 5–6$^o$С, кўкариб ҳосил яратиши учун 15–16$^o$С ҳарорат керак. Кашнич вегетация бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Унинг барра баргларини 2–3 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1–1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади. Вақтида ўриб олинмаса, уруғпоя ҳосил қилади.

Кашнич ер танламайди. Уруғи экилгандан сўнг 35–40 кунда ҳосили етилади. Пол қилиб сепилганда гектарига 8–10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади. Асосий парвариши 1–2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 12–15 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Кашнич ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% бўлиши керак.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда



кашнич ўсув даврида 7–8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2–3 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450–500 м$^3$ ҳисобидан суғорилади.

Ҳосил пишиш даври: плёнка билан қопланганда мартда, очиқ майдонда апрелда.

Петрушканинг “Нилуфар”, “Сахарная” ва “Новас” навлари районлаштирилган.

Петрушка совуққа чидамли икки йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғи ўсиши учун 5–6$^o$С, кўкариб ҳосил яратиши учун 15–16$^o$С ҳарорат керак. Петрушка вегетация бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Унинг барра баргларини 3–4 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1–1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади.

Петрушка ер танламайди. Уруғи экилгандан сўнг 55–60 кунда ҳосили етилади. Пол қилиб сепилганда гектарига 3–4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади. Асосий парвариши 1–2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 10–12 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Петрушка ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% бўлиши керак.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда кашнич ўсув даврида 7–8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2–3 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450–500 м$^3$ ҳисобидан суғорилади.

Ҳосил пишиш даври: плёнка билан қопланганда мартда, очиқ майдонда апрелда.

**Р.НИЗОМОВ,**
*қ.х.ф.д.,*
**Ф.РАСУЛОВ,**
*қ.х.ф.ф.д.,*
**Р.ТЎРАМАТОВ,**
*к.и.х.,*
**О.МУРАТОВ,**
*к.и.х.,*
*(Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти).*

## «Учтепадавсувмахсуспудрат» ДУК жамоаси

*Ҳар бир мурғак қалбни ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини бахш этаётган ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан қутлайди. Уларнинг шарафли ва саодатли ишларида муваффақиятлар тилайди.*



# СОҒЛОМ САЙЁРАГА СОҒЛОМ АЁЛ КЕРАК

*Соғлом сайёрамизнинг гуллаб-яшнаши, адолатли ва тинч ҳаётнинг таъминланишида қишлоқ хотин-қизларининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта муҳим аҳамиятга эга.*

***Антониу Гутерриш, БМТ Бош котиби.***

**БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган резолюциясига мувофиқ, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалардаги устувор йўналишлардан бири этиб, гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш белгиланган.**

Ривожланаётган давлатларда қишлоқ аёллари тахминан 43 фоизни ташкил этиб, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим стратегик вазифани амалга оширишда ҳиссаси катта. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш масалалари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Аксарият қишлоқ аёлларининг турмуш тарзи қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурсларга бевосита боғлиқ бўлиб, таъминланиш даражасига кўра, турмуш фаровонлигини белгилаб беради.

Дунё давлатларида аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бораётганлигига қарамай, 1 миллиарддан зиёд киши ҳаёт учун ўта ноқулай бўлган шароитларда, озиқ-овқат танқислигида яшамоқда. Жуда кўп давлатларда қишлоқ жойларда камбағаллик шаҳарларига нисбатан анча юқори. Осиё ва Саҳрои Кабирнинг жанубий қисмида жойлашган давлатлардаги 2,5 миллиарддан ортиқ аҳоли учун асосий манба ҳисобланган майда хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийиб 80 фоизи ишлаб чиқилади. Аёл фермерлар эркак фермерлар каби ишбилармон ва уддабурон бўлишлари мумкин, лекин ҳар доим ҳам уларда эркаклар билан тенг шароитлар мавжуд эмас. Моддий-техник, кредит ресурслари, ер, сув ва бошқа кўплаб имкониятлардан фойдаланиш борасида ҳанузгача аёллар имконияти пастлигича қолмоқда.

Дунё бўйича камбағал аҳолининг 76 фоизи қишлоқларда яшашини инобатга олиб, уларнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали дунёда камбағаллик пасайиши билан бирга, қишлоқдаги хотин-қизларнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартибидаги вазифалар ижросида фаол иштирокини таъминлаш мумкин. Барқарор ривожланишнинг 2030 йилгача бўлган мақсадларидаги гендер тенглигини таъминлаш учун бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш лозим. Хотин-қизларни тадбиркорликка кўпроқ жалб қилиш, фаолиятларини бошлашлари ва изчил давом эттиришлари учун молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда фаоллигини ошириш билан бирга молиялаштириш тизимини енгиллаштириш ва мақбуллаштириш шароитларини яратиш талаб этилади. Аммо, 2018 йилда дунёнинг 124 та давлатида ижтимоий соҳани молиялаштириш камайган. Умуман олганда, барча давлатларда хотин-қизлар фаровонлигини таъминлаш, сиёсий ирода ва ривожланиш стратегиясида жамоатчилик секторлари хизматларига муҳтожлик сезилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2007 йил 18 декабрдаги йиғилишида қишлоқ аёлларининг, шу жумладан, туб аҳолининг қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ туманларини ривожлантиришни жадаллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ жойларда камбағалликни йўқотишдаги ролини тан олиб, 15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни сифатида расман эълон қилиниб, 2008 йилда илк маротаба нишонланди. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида ушбу кун кенг байрам қилинмоқда.

Жорий йилда ушбу сана ўн иккинчи маротаба нишонланади. Шу куни жойларда турли семинарлар, танловлар, кўргазмалар, тантанали йиғилишлар бўлиб ўтади, хотин-қизларга имтиёзли кредитлар бериш ва даволанишлари учун патентлар тақдим этилади .

Ҳар йили “Халқаро аёллар саммити” томонидан “Қишлоқда аёллар ижодиёти” танлови эълон қилиниб, айнан байрам куни ғолиблар Женевада ташкил этиладиган тадбирда тақдирланадилар.

Қишлоқдаги аёллар уй-рўзғор ишларидан ташқари томорқаларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадилар, фарзандларини меҳнатга ўргатадилар. Ушбу байрам дунё давлатларидаги меҳнаткаш, бағри кенг ва фидоий қишлоқ аёлларига бағишланган.

Ўзбекистонда БМТ томонидан 2007 йилда қабул қилинган Резолюциядаги барча устувор йўналишларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, қишлоқ жойларда инфратузилмаларни яхшилаш орқали турмуш фаровонлигини ошириш, хотин-қизларнинг фаровонлигини таъминлашга бевосита таъсир этувчи ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, мактабгача тарбия муассасалари, хотин-қизлар учун қишлоқ жойларда яратилаётган янги ишчи ўринлар, йил сайин такомиллашиб бораётган тиббий хизматлар ва бошқа кўплаб мисоллар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни мустаҳкамланиб, шароитлари яхшиланиб бораётганидан далолатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг деярли барча расмий чиқишларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, жамият ва оиладаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилади. Шу билан бирга уларни ҳаётга жорий этиш учун барча имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

Республикамизда қишлоқ аёллари, уларнинг жамият тараққиёти, аҳолини қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги улкан роли, қишлоқларимизни ободонлаштиришдаги хизматларини эътироф этган ҳолда кўпгина дунё давлатлари қаторида мамлакатимизда ҳам “Халқаро қишлоқ аёллари куни”ни кенг нишонлаш кутилмоқда.

Ушбу халқаро байрамнинг Ўзбекистонда ҳам нишонланиши қишлоқларда истиқомат қилаётган, давлатимиз ва халқимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиз учун яна бир эътироф ва эътибордир.

**А.АХМЕДЖАНОВА,**
*Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди*

# ОРДЕНЛИ ОПА ХОНАДОНИДА

***– Мен бир оддий деҳқон қизиман, отам, онам, ҳатто, қайнотам ҳам деҳқон. 30 йил далада ишладим. 2009 йилда янги иморат қуриб, шу уйга кўчиб ўтдик, томорқачилигимиз шундан бошланди, – дейди Анбар опа. – Тўрт нафар фарзандимиз билан дастлаб шу 15 сотих томорқамизга дарахт кўчатлари экдик, қатор ораларига бодринг, помидор, картошка, пиёз ва кўкатлар ўтқазиб, хўжалигимиз эҳтиёжидан ортганини бозорга чиқариб сота бошладик, яна парранда, мол-ҳол дегандай. Қишлоқда яшашнинг ўзи томорқага эътибор қаратишни талаб қилади. Бу соҳага эътибор кучайтирилгач, 10 сотих ерга лимон кўчати экиб, қатор ораларида бодринг, помидор, кўкатлар, исмалоқ, болгар гармдориси каби экинлар етиштирдик. Лимонларимиз бу йил ҳосилга кирди.***

6 туп анжир, 5 туп унаби, 8 туп анор, 4 туп олча, 5 туп нок, 5 туп шафтоли, 10 туп ўрик дарахтлари ҳосил бериб турган боғнинг файзи бўлакча. Фарзандлар ва невараларнинг яйраб мева теришларини кўришнинг ўзи инсонга шавқу-завқ бағишлайди. Анбаржон опани хуш кўриб келин қилган қайнотаси Саъдулла ота Раҳимов аслида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” унвони соҳиби, қишлоқ хўжалигида танилган деҳқонлардан бири эди. Шундай азиз инсонлар назари тушган боғ, табиийки, меваларга бурканган.

– Томорқамиздан ҳар йил 90 миллион сўмга яқин даромад оламиз, соф фойда 60 миллиондан ошади, – дейди Анбар опанинг турмуш ўртоғи Абдулла ака. – Ўзимиз учун қилаётган меҳнатимизга эътибор бериб, эътироф этган, турмуш ўртоғимни орден билан мукофотлаган Президентимизга минг раҳмат. Ҳеч қачон оила бекаси бўлган оддий ўзбек аёли бу каби эътиборга сазовор бўлган эмас.

Уч қиз ва бир ўғил камолини кўриб, 12 нафар неварани суйиб, эркалаб яшаётган Абдулла ака ва Анбар опа бугунидан жуда мамнун. Ахир кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганларидай оила аъзолари тўпланишиб, боғ ва лимонзор ишларига ҳам қарашадилар. Оиланинг уч қизи Шоҳида, Анагул, Ўғилжонлар оилали бўлса-да, баъзан ота-онасига ёрдамга келади. Келин Гулноза Қабулова қайнонасига ёрдамчи, рўзғорни ҳам, бозорни ҳам эплайди. Урганч Давлат университетини битказган Элмурод Раҳимов бўш қолди дегунча иссиқхона ишлари билан банд бўлади.



– Маҳалламизда 830 та хонадон бор. Раҳимовлар оиласи намунали, фидокор, ташаббускор оила, томорқачилик бўйича илғор хўжаликларимиздан бири. Қишлоғимиз аҳли кўчат етиштириш билан шуғулланади, ҳар бир хонадонда иссиқхоналар мавжуд, – дейди опани табриклаш учун келган маҳалла котиби Нурмамат Нурметов. Умр дарёсининг эзгуликлар тўлқини ичра нафас олиб, оила қўрғонини мустаҳкам асраб, элга намуна бўлаётган бундай оилалар сони кун-кунга кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам бозорларимиз расталари ризқ-рўзга тўла, сахий куз инъомларини етиштираётган томорқачиларимизга, деҳқону миришкорларимизга минг тасанно. Анбар опага эса “Дўстлик” ордени муборак бўлсин!

***Суратда: Анбар Раҳимова.***

*Ўз мухбиримиз.*

# МЕҲНАТИДАН БАХТ ТОПИБ

**Бугун аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимизда деҳқончилик маданиятини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг етакчи кучига айланиб бораётган фермер хўжаликлари фаолияти такомиллашиб, ялпи ички маҳсулотдаги улушлари ўсиб бораётганлиги ҳам ислоҳотлар самарасидир. Хусусан, томорқачиликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган минглаб оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда.**



Нарпай туманидаги 1-сектор ҳудудида жойлашган “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам кафтдек ердан самарали фойдаланиб, оиласи фаровонлигини оширмоқда, бозорни арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Шу маҳаллада яшовчи Гулчеҳрага опа Хайитмуродова ҳам томорқачиликнинг асл ҳадисини олганлардан. Нафақада бўлсада, ўғиллару келинлари билан мўъжазгина экин майдонидан унумли фойдаланиб, тўкин ҳаёт кечирмоқда. Ҳозирги кунда опа ўз хонадонида 100 қути асалари парвариш қилиш баробарида, қиш-баҳор ойларида 4 сотихли иссиқхонасининг 2 сотихида лимон, қолган ярмида эса гул етиштиради.

Президентимизнинг фармонига кўра, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Улар орасида Гулчеҳра опа ҳам бор.

– Шундай даврда яшаяпмизки, яхши ҳаёт кечиришга интилган, меҳнат қилган инсон давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда, – дейди “Шуҳрат” медали соҳиби Гулчеҳра Ҳайитмуродова. – Президентимизнинг ўзлари ҳар биримизни тадбиркорликка ундамоқдалар. Бундан руҳланиб биз ҳам хонадонимизда 3 оила асалари билан шу соҳада иш бошладик, ҳозир асалари оилалари сони 100 тадан ошди. Кейин гулчиликни йўлга қўйиб, бу ҳам сердаромад соҳа эканлигини кўрдик. Умуман, олий маълумотим, дипломим бўлмаса ҳам томорқада омилкорлик билан ишлаб, миллион-миллион сўм даромад қиляпмиз. Рўзғоримиз бут, орзу-ҳавасларимизга етаяпмиз.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу оиланинг томорқадан олинган бу йилги даромади 80 миллион сўмдан ошди. Ҳамжиҳатликда қилинаётган ишлар туфайли оила моддий фаровонликка эришмоқда.

– Ҳудудимизда томорқадан самарали фойдаланаётган хонадонлар кўпайиб бормоқда, -дейди туман фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Эркин Дулонов. –Бугун аҳолининг ерга бўлган муносабати бутунлай ўзгарган. Улар бугун томорқага қўшимча даромад манбаи сифатида қарамоқда. Ердан самарали фойдаланиш учун томорқада иссиқхона барпо этиб, сабзавот, турли кўкат ва цитрус мевалар етиштиришдан яхши даромад олинаётир. 2-3 сотихли томорқасидан йилига 10-15 миллион сўм даромад қилаётган оилалар ҳам кўп. Гулчеҳра Ҳайитмуродова ҳам шу тарзда ҳалол меҳнат орқали ўз оиласи фаровонлигини таъминлаб келмоқда.

Дарҳақиқат, меҳнаткаш халқимиз истеъмол қиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бугун ўзининг томорқасида етиштирмоқда. Айниқса, кейинги йилларда аҳоли томонидан хонадонларда барпо этилган иссиқхоналарда лимон ва бошқа мевали дарахтлар ўстириш, товуқ боқиш, чорва молларини парвариш қилиш кўпайди. Бугунги ислоҳотларни тўғри англаган Нарпайлик Гулчеҳра Ҳайитмуродова сингари шахсий томорқа эгалари ҳам, ҳар қарич ердан самарали фойдаланиб, мўъжазгина томорқадан ҳам яхшигина даромад олишга эришиш баробарида, эл дастурхонига файзу барака қўшиб келмоқда.

**Ш.НОРМУРОДОВ,**
*ўз мухбиримиз.*

# МАҲАЛЛИЙ МЕВАЛАРИМИЗ КЎПАЯДИ

**Республикамизда пиллачилик билан бирга мевали тутлар етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу борада тармоқда олиб борилаётган ишлар билан муштарийларимизни таништириш мақсадида мухбиримиз Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Пиллачилик ва тармоқ озуқа базасини ривожлантириш бошқармаси раҳбари Қаххор Явқоштиев билан суҳбатлашди.**



*Бир йил тут эккан,*
*Қирқ йил гавҳар теради*
*(халқ мақоли)*

***– Қаххор Қобилович, маълум бўлишича яқинда “Аҳоли истеъмоли учун тут мевалари етиштириш мақсадида Шоҳтутзор ва Балхитутзорлар барпо қилиш ва тут меваларини қайта ишлаш” мавзусига бағишланган анжуман ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида қисқача маълумот берсангиз.***

– Дарҳақиқат, мазкур тадбирни ташкил этишда унинг асосий йўналишлари этиб, Шоҳтут ва Балхитутларни пайванд қилиш йўли билан кўпайтириш мақсадида республикамиз ҳудудларидаги мавжуд дарахтларни аниқлаш ҳамда улардан қаламча олиш ва тайёрлаш; Шоҳтут ва Балхитут кўчатларини тайёрлаш учун тупроқ шароити ва муҳитига мослашган пайвандтагларни танлаш; Шоҳтутзор ва Балхитутзор барпо қилиш учун унумдор ер майдонларини танлаш ва уларда тут мевасини етиштириш; Шоҳтут ва Балхитут меваларини қайта ишлаш ва экспортбоп маҳсулот тайёрлаш каби вазифалар белгиланган эди. Тадбир иштирокчилари кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилар эканлар бир қатор муайян таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Ушбу таклифлар албатта бошқарма томонидан тубдан ўрганиб чиқилади.

***– Мамлакатимизда Шоҳтут ва Балхитут етиштиришнинг бугунги ҳолати қай аҳволда?***

– Шоҳтут ва Балхитутларни ўтган асрнинг 90-йилларигача шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб учратиш мумкин эди. Афсуски, сўнгги йилларда тут навларини кўпайтиришга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги сабабли, республикамизнинг бирорта ҳудудида тутзорлар деярли ташкил этилмаган. Ваҳоланки, тут навларини кўпайтириш ва мевали шоҳтутзорларни барпо қилиш қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг тармоқлари учун муҳим бўлган хомашё ва қимматбаҳо тут мевасидан тайёрланадиган турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин бўлар эди.

***– Тутзорларни барпо этишнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

– Шарқ табобатига асос солган буюк аллома Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” номли асарида оқ тут ва шоҳтутнинг шифобахшлиги тўғрисида, жумладан, уларнинг меваси юрак-қон касалликларни даволашда шифобахш дори эканлигини баён қилган. Шоҳтутнинг мевасида қанд, бўёқ ва пектин моддалари, углеводлар, минерал тузлар, глюкоза, сахароза, фруктоза, олма, лимон кислоталари, шунингдек, темир моддалари бор. Шоҳтут мевасини қуритиб, узоқ вақт сақлаш мумкин, янги терилган мевасидан қандолатчиликда турли хил кондитер маҳсулотлари, шарбатлар, мурабболар, витаминлар, сиркалар ва дори-дармонлар тайёрланади. Тут шираси қонни тозалайди ва уни кўпайтиради. Баргининг қайнатмаси эса ангина ва бошқа шамоллаш касалликларида, иситмани туширувчи, чанқоқни қондирувчи восита сифатида қўлланилади. Балхитутнинг мевасидан майиз, холва, шинни ва шарбатлар тайёрланади. Балхитутнинг барги, меваси ва пўстлоғи таркибида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган витамин С, каротин, эфир мойи, ошловчи моддалар, қандлар, турли микроэлементлар, лимон ҳамда органик кислоталар, бўёқлар, алкоидлар ва бошқа моддалар бор.

***– Тутзорлар учун қаламчалар қай йўсинда тайёрланади?***

– Тут дарахтининг айрим турлари борки, у фақат вегетатив органларидан кўпайтирилади. Шоҳтут ва Балхитут дарахтлари ҳам вегетатив усулда кўпайтирилади. Чунки уларнинг мевасидаги уруғ шаклланмаган ёки пуч бўлади. Тутзорларни ташкил қилишда дастлаб Шоҳтут ва Балхитутнинг қаламчалари тайёрланади. Қаламчалар Шоҳтут ва Балхитутнинг бир йиллик новдаларидан куз, қиш ва эрта кўкламда (шира ҳаракати бошлангунча) тайёрланади. Пайвандлаш учун тутларнинг бир йиллик ёғочланган новдалари боғланган ҳолатда похол устига қўйилиб ўралади. Қаламчалар 40–50 см узунликда кесилиб, 50–100 тадан боғланади ва музхонада сақланади. Муз бўлмаса, 1 метр қалинликдаги намланган қумга кўмилади. Қаламча сақланадиган хонанинг ҳарорати +2– 5 даража, ҳавонинг нисбий намлиги 70–80 фоиз бўлиши керак. Ҳарорат белгиланган даражадан юқори бўлса, қаламча куртаги бўртиши, намлик ошиб кетса чириши мумкин.

***– Тутларни қачон пайвандлаш мумкин?***

– Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида – март ойида, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Фарғона, Андижон, Наманган ва Навоий вилоятларида апрель ойининг бошларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида эса апрель ойининг ўрталарида пайвандлаш ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

***– Бу борада тутзорлар барпо этиш ва келгусида тут мевасини қайта ишлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилади?***

– Мазкур тутларнинг меваларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида республика миқёсида ҳар бир вилоятда 100 гектардан шоҳтутзор ва балхитутзорлар жами, 2600 га ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Барпо этилган боғлардан 26000 тонна Шоҳтут ва 25000 тонна Балхитут олиш ва қайта ишлаш режалаштирилган. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш 5000 та янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Шоҳтут ва Балхитут мевасидан шинни, компот, майиз ва холва тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Бу маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши аҳолимиз дастурхонини бойитибгина қолмай, балки уларнинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Тайёр маҳсулотларни талабга кўра экспорт қилиш мумкин бўлади.

**Суҳбатдош: А.ТОИРОВ,**
*ўз мухбиримиз.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАЙТУН ҲОСИЛГА КИРДИ



Зайтун мойлари ўз таркибида инсон соғлиги учун фойдали бўлган 104 та элемент сақлаши ва инсоният доимо уни зайтун мойидан фақатгина озиқ-овқат маҳсулоти сифатида эмас, балки доривор восита сифатида қўллаб келган. Зайтун мойини истеъмол қилиш натижасида кўпгина касалликларнинг олди олинади, шунинг учун бу мойга эҳтиёж катта. Аммо Ўзбекистонда сотиладиган зайтун мойи ва меваларининг 100 фоизи четдан импорт маҳсулот сифатида кириб келади.

Зайтун биологик хусусиятига кўра субтропик ўсимликлар гуруҳига киради, бу ўсимлик билан шуғулланмоқчи бўлганимизда жуда узоқ изландик. Профессор Селянинов томонидан субтропикларга бўлинган саккизта ўсимликдан олтитаси бизда мавжудлиги ва чой билан зайтундан бошқаси юртимда ўсиб ҳосил бераётгани учун ниҳоят зайтун ўсимлигини синаб кўришга қарор қилдик.

Зайтунни Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш анча қийин кечди. Дастлаб Туркиядан келтирилган кўчатлар дарҳол ҳосилга кирди, аммо кутилмаган қаттиқ совуқлар уни уриб кетди. Қолаверса, биринчи марта 2006 йилда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида Туркиядан келтирилган зайтун кўчатлари экилганига уч йил бўлгандан сўнг тўртинчи йили гуллаб ҳосил берди. Аммо қаламча сотишга ўч фермеримиз томонидан мазкур дарахтлар бутунлай қаламча қилиб сотиб юборилди.

Ва ниҳоят 2019 йил Олтинсой туманига бундан 12 йил олдин тарқатган зайтун кўчатларимиз ҳосилга кирди. Бу вақт оралиғида зайтунларимизни икки марта совуқ урди ва учинчи марта улар бизнинг совуқ шароитимизга мослашиб, яхши ҳосил берди. Бугун ҳосил бериб турган зайтун дарахтлари поясининг пастки қисмига қарасак, совуқ уриш оқибатида кесиб ташланган поялар кўринади. Хуллас зайтун дарахталаримиз, хурмо дарахтига ўхшаб бизнинг тупроқ-иқлим шаротимизга мослашди, яъни адаптация бўлди.

Ёши катта фермерлар, боғбонлар яхши билишади, 1970 йилларда Ўзбекистонда хурмо дарахти йўқ эди. Хурмо дарахти бизга қўшни Тожикистондан кириб келди, дастлабки вақтларда уларни ўраб қўйишди, кўмишдилар, нима қилиб бўлса ҳам хурмо инсонларнинг саъйи-ҳаракатлари натижасида бизнинг шароитга мослашиб кетди. Эндиликда хурмо дарахти, ҳатто, нисбатан совуқ ҳисобланган Хоразм вилояти шароитида ҳам мева бермоқда.

Зайтун дарахтларининг ҳам яхши хусусияти шундаки, уни совуқ урса, анор, анжир ва хурмога ўхшаб, тагидан қайта униб чиқади. Тупроқ остида қолган ухлаб ётган куртаклари уйғониб, такроран ер устига униб чиқади. Аслида айтишадиларки, зайтун бир кўкариб олса, шу жойдан уни йўқотиб бўлмайди, қайта униб чиқаверади.

Бугунги кунда республикамизда зайтун кўчатлари кўпчиликка тарқалган, асосан қаламчалар орқали кўпайтирилади. Туркиядан, Испаниядан келтирилган зайтун кўчатлари яхши тутиб, ҳосил беришга киришди. Аммо боғдорчиликни яхши билмаган инсонлар томонидан қаламча қилиб кўпайтирилиб сотилаётган зайтун кўчатлари ҳосил бермаяпти. Мана шу декоратив қаламчалар сифатида кўпайтириб сотилаётгани зайтунлар кўпчиликни чалғитиб, зайтун Ўзбекистонда ҳосил бермайди, деган нотўғри хулосаларга олиб келмоқда.

Ўша кўчат сотган боғбонлар, билмадим, қаламчанинг оналик материалини қаердан олишган, аммо уларнинг кўчатлари ҳосилга жуда кеч киради. Ушбу ҳолат зайтунчилик борасида қилинадиган ишларимизга тўғаноқ бўлмоқда. Жорий йил Олтинсой туманидаги бир фидойи деҳқоннинг томорқасида 30 тупдан ортиқ зайтунлар гуллаб ҳосил берди. Бу йил биринчи марта Ўзбекистонда зайтун меваларидан зайтун мойи сиқиб олинади, бугунги кунда ҳар туп зайтунда 8–10 кг зайтун мевалари териб олинади. Узоқ йиллар давомида олиб борилган тажрибалар натижасига кўра, совуққа чидамли зайтун кўчатлари етиштирилди ва мева олинди. Эндиликда бажарадиган ишимиз совуққа чидамли зайтун кўчатларини кўпайтириш ва плантациялар ташкил қилишдир.



Олтинсойдаги зайтунзорда

Масаланинг қулай томони шундаки, зайтун ўсимлиги ўсиб-ривожланиши учун мутлақо тупроқ танламайди, унумдорлиги паст, ориқ, нисбатан шўрланган қумоқ тупроқларда, яъни деградацияга учраган тупроқларда ҳам бемалол ўстириш мумкин. Зайтун ўсимлиги доим яшил бўлиб ўсувчи дарахтлар туркумига киради. Унумдорлиги энг паст тупроқларда ўса олиши ердан фойдаланиш коэффициентини оширади, қайта ишлаш саноатини экологик тоза маҳсулот билан таъминлайди, натижа қишлоқларда янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Қатор йиллар давомида бу ўсимликни ўрганишларимиз натижасида ниҳоят яхши натижага эришдик Туркия ва Қримдан келтирилган зайтун нав намуналари ичидан танлаб олиниб мослаштирилиб, истиқболли нав сифатида "Изумруд" ва "Қоракўз" навлари Давлат реестрига киритилди. Зайтунни қаламча орқали кўпайтириш усуллар ишлаб чиқилди ва унинг ботаник белгилари, биологик хусусиятлари ҳамда етиштириш агротехникаси бўйича учта монография чоп этилди. Совуққа мослашган зайтун кўчатлари Андижон вилоятида ҳам мавжуд бўлиб, улар табиий танлаш йўли билан мослашди.

Масалан, бир туп вояга етган зайтун дарахтидан 20 кг мева йиғиб олинади. Агарда ҳовлимизда 6 туп зайтун дарахти ўсса, жами 120 кг мева териб олиниб, уларни қайта ишлаш натижасида 50 кг экологик тоза зайтун мойи олиш мумкин. Бир килограмм зайтун мойи 80 минг сўмдан сотилса, олти туп дарахтдан ўртача 4 млн. сўм даромад олинади. Лекин ҳозирги кунда супермаркетларда тоза зайтун мойининг бир литри камида 180 минг сўм туради. Бу ерда қилинган харажатлар миқдори бир гектар майдонга 1 млн. сўмдан ошмайди. Зайтун кўчатларини етиштириш учун плантацияларни ташкил қилишда адашмасдан, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, асил зайтун навларини экиш яхши натижа беради. Дуч келган жойдан зайтун кўчатларини олиш инсонларни яхши орзу-ниятларидан бироз чалғитади.

Демак, зайтунлар ҳосилга кирди, энди келажакда унинг майдонларини кенгайтириш республикамизда етиштириладиган зайтун мойи маҳсулотларни кўпайтириш имконини беради.

**Дилором ЁРМАТОВА**
*ЎзДЖТУ профессори*

# ҲАР ҚАТРАСИ ОЛТИНГА ТЕНГ

***Бугун инсоният олдидаги мураккаб муаммолардан бири сув танқислиги масаласидир. Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 1,6 миллиарддан зиёди ичимлик суви умуман етишмаслигидан азият чекмоқда. Сўнгги 40 йил ичида дунёдаги ҳар бир киши бошига тўғри келадиган чучук сув миқдори 60 фоизга камайган. Яқин 25 йил ичида яна икки баробарга камайиши тахмин қилинмоқда. Айрим мамлакатлар эса оддий озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун сув излаш билан овора. Шундай экан, бугунги давр мавжуд имкониятларимизнинг қадрига етиб, сувнинг ҳар бир томчисини олтинга тенг кўриб, уни асраб-авайлашимизни, тежаб-тергаб фойдаланишимизни тақозо этади.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори сувдан тежамли фойдаланиш тадбирларни амалга оширишда, ушбу долзарб масалага ечим топишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Навоий вилоятидаги суғориш тизимида ўзига хос меҳнат талаб этадиган Хатирчи туманида ҳам кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

– Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тежашда самарали усул ва илғор технологиялардан, хусусан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, – дейди Хатирчи тумани Ирригация бўлими бошлиғи Салоҳиддин Жалилов. – Бу сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда оби-ҳаёт тақчиллигининг олдини олади. Шу билан бирга мавсум аввалидаёқ суғориш тармоқларини ва сув иншоотларини сифатли таъмирлаш, ариқларни вақти-вақти билан лойқадан тозалаб туришга аҳамият қаратиш керак.



Жорий йилда тумандаги 3 та фермер хўжаликларининг 200 гектар майдонида ушбу технология жорий этилиб, ғўза майдонларида шу тарзда суғориш ишлари олиб борилди. Бу кўрсаткич 2022 йилга бориб, 2 минг 558 гектарни ташкил этиб, 36 та фермер хўжалиги далаларида томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга тумандаги 131 та фермер хўжаликларида сувдан тежамли фойдаланишнинг яна бир усули эгилувчан қувурлардан кенг фойдаланилмоқда ва йил якунига қадар бу кўрсаткич 224 тага етказилиши кутилмоқда.

Албатта, тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб суғориш усулига амал қилиш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида ҳосилдорликни ошириш, пировардида аҳоли турмуш даражасини янада кўтаришга хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда:** *Хатирчи тумани Ирригация бўлими бошлиғи Салоҳиддин Жалилов ходимлар билан томчилатиб суғориш технологияси қулайликларини муҳокама қилишмоқда.*

# ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Давлатимиз раҳбари ўзининг шу йил 30-31 январь кунлари Жиззахга бўлган сафари пайтида вилоятнинг ҳудудларида бажарилиши лозим бўлган бир қатор режа ва лойиҳаларни белгилаб берган эди. Жумладан, Арнасой тумани мутасаддилари 2019-2020 йилларда 32 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, бу ишлар учун 352 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ўзлаштириш, икки ярим мингга яқин янги иш ўрни яратиш топшириғини олишди.**

Воқеалар ривожини тезлатиб, шуни айтиш мумкинки, Президентимиз топшириқлари асосида бугунгача туманда бир неча йирик лойиҳа ҳаётга юз тутди. Лойиҳа қиймати 51 миллиард сўм бўлган юқори сифатли мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Арнасой Голд Текс" МЧЖнинг фаолият бошлагани, Айдар-Арнасой кўллари дирекциясида балиқ чавоқлари, "Олтин юлдузли" фермер хўжалигида 100 гектар майдонда мусаллаcбоп узум, "Арнасой Бег Агро" МЧЖда 400 гектар майдонда экспортбоп ерёнғоқ ва қовун етиштириш ишларининг йўлга қўйилганини бу сўзларнинг исботи сифатида келтириш мумкин.

Вьетнам давлати сармоядорлари билан ҳамкорлик натижасида ташкил топиб, балиқчиликни ривожлантиришни ўз зиммасига олган "МТТ Си Фуд" МЧЖ Юртбошимизнинг топшириғи билан амалга ошаётган ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. Бундан бир йил аввал тамал тоши қўйилган ушбу жамият ўтган қисқа муддат ичида йилига 50 миллион балиқ чавоғи етиштира оладиган инкубация цехига эга бўлди. 45 гектар майдонда сунъий кўл барпо этилди. Ҳавзага 500 минг долларга Вьетнамдан келтирилган маҳсулдор зотли балиқлар қўйиб юборилди.

– Тошкент политехника институтида таҳсил олганман, – дейди хорижий корхона инвестори Чон Зоан Тан. –Ўзбекистонга инвестиция киритиш, бизнес юритиш учун яратилган шароит таҳсинга лойиқ. Мен бунга ушбу корхонани барпо этиш жараёнида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Арнасойликлар билан амалга ошираётган ҳамкорлигимиз самара беришига ишонаман.

Яқинда жамият қошида яна бир ишлаб чиқариш корхонаси фаолият бошлади. Ушбу корхона цехида биринчи навбатда балиқлар, қолаверса, чорва ҳамда парранда учун ўта зарур бўлган кучайтирилган озуқа – омухта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа қиймати 2 миллион 700 минг доллар бўлган бу цеҳда 70 нафарга яқин ишчи-хизматчи ёрдамида бир соатда ўртача 5 тонна сифатли ем ишлаб чиқарилади.

– Сармоя киритиш учун вилоятда яратилган қулай муҳит хорижлик ҳамкорларимизга жуда маъқул келди, – дейди "MTT SEA FOOD" МЧЖ раҳбари Зоир Холиқулов. – Биз улар билан келишган ҳолда, шунингдек, Арнасойда ер, сув, ишчи кучи етарли эканлигиин ҳисобга олиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни кўзлаяпмиз. Мақсадимиз келажакда Арнасойда йирик балиқчилик кластери барпо этиш.

Жамият раҳбарияти ўзининг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлида тинмай изланмоқда. Корхона тасаррруфида балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлайдиган 200 тонналик музлатгич-омбор барпо этилаётир. Ушбу иншоот жорий йил охирида ишга туширилади ва унда жамоага қарашли кўлда парваришланаётган зоғора, оқ амур, дўнгпешона каби балиқларни сақлаш имконияти яратилади. Иш шу маромда кетаверса, балиқларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот кўринишига келтирувчи цехнинг ишга тушиши ҳам унчалик узоқ куттирмаса керак.

**Х. КАРИМОВ,**
*ўз мухбиримиз.*

**Суратда:** *"МТТ Си Фуд" МЧЖ фаолиятидан лавҳалар.*





# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ – ТЕЖАМКОРЛИК ВА ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

**Давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигида, айниқса, фермерларнинг фаолият юритишида хизмат турлари таъминотининг кенг қамровли самарали тизими яратиб берилаётгани уларнинг ердан янада юқори даромад олишларига муҳим манба бўлмоқда. Янги технологияларнинг жорий этилиши, хусусан, экинларни суғоришда томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйилаётгани сувни тежаш баробарида ҳосилдорликни оширмоқда. Айниқса, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда бу усул жуда қўл келмоқда.**

Буни Қашқадарё вилояти мисолида олиб қарасак. Бугунги кунда ҳудудда деҳқончилик ишлари учун фойдаланилаётган сувнинг асосий қисми, яъни ўртача 80 фоизи қўшни республикалар ҳудудида шаклланади. Шу билан бирга ана шу ресурсни деҳқон даласига қадар етказиб бериш ҳам осон иш эмас, катта сарф-харажатлар талаб этади. Мана шу омиллар сабаб сувдан оқилона фойдаланиш, соҳага сувни тежашга қаратилган янги лойиҳаларни изчиллик билан жорий этиш устувор масалага айланиб, шунга монанд, қатор чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Шу билан бирга сув тежовчи қурилмалар, уларга эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи субъектлар, ўз фаолиятида тежамкорликка асосланган лойиҳаларни жорий этаётган хўжаликлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига, турли имтиёзларга эга бўлишига асос яратди.

Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, айни пайтда вилоятда 14 та фермер хўжалигининг 346 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияларини ўрнатиш бўйича ишлар якунига етказилди. Бунинг учун, фермер хўжаликларига АТБ «Агро банк» томонидан 5 миллиард 556 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши белгиланган бўлса, шу кунга қадар 4 миллиард 995 миллион сўм маблағ ижрочи пудрат корхоналари ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Буюртмачи томонидан фермер хўжаликлари пахта далаларига томчилатиб суғориш тизимларини ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари амалга оширилиб, экинлар шу аснода сўғорилди.

– Бугунги кунда вилоятимиздаги қатор фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологияларини жорий этдик, – дейди Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тошбўри Эгамназаров. – Ҳозирги вақтга келиб, Ғузор туманидаги “Ғузор Агро файз”, “Исомиддин ўғли Исломбек” ва “Тошғузор Бойсун”, Косон туманидаги “Самандар Нурдиёр”, “Қудрат ота ЕТ”, Нишон туманидаги «Саидалиев Муҳриддин», «Фармонов Зиёдулла», Миришкор туманидаги “Моҳидил Севинч”, “Ҳолиқулов Саттор”, Қамаши туманидаги “Ашир ота”, “Эрназарова Дилдора”, Чироқчи туманидаги “Бобохўжа”, “Кўм-кўк ёшил боғ” каби фермер хўжаликларининг пахта майдонларида ушбу тизимни ўрнатиб, мавсум давомида ундан самарали фойдаландик. Айтиш жоизки, бу технологиянинг устувор жиҳатикўп экан, аввало намнинг сақланиш даражаси миёрида бўлиб, жўякда бегона ўтлар бўлмас экан. Мавсум давомида экинга барча минерал ўғитлар сув билан берилди, техника харажатлари қисқарди. Сув сарфи ўртача 40 фоизга камайди. Шу билан ҳосилдорлик ошиб, ҳосил анча эрта етилди.



**Суратда:** *(Чапдан) Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ходимлари Адхам Жалилов, Ҳалим Сиддиқов, Қарши тумани ирригация бўлими бошлиғи Зокир Ҳамроев, бўлим мутахассиси Фарход Искандаров.*

Айни кунларда Қарши туманидаги 5 та фермер хўжаликлари аъзолари ҳам 165 гектар майдонда ғўзани томчилатиб суғориш тизимини жорий этишга бел боғлашган.

– Бугун туманимиз деҳқон ва фермерлари ҳам томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаб етган. Шу боис бу усул тобора оммалашиб, нафақат иссиқхоналар, сабзавотчилик ва полизчилик тармоқларида, шунингдек, катта майдонлардаги пахта далаларида ҳам кенг жорий этилмоқда. Пировардида, табиий ва моддий ресурслар тежалиши билан бирга, ҳосилдорлик ҳам муттасил ошиб бораётир, – дейди Қарши тумани Ирригация бўлими бошлиғи Зокир Ҳамроев.

Бир сўз билан айтганда,бугунги кунга келиб, вилоятда пахта майдонларида сув тежовчи лойиҳаларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бошланган. Бу бежизга эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилган далаларда ариқлар олинмаслиги туфайли кўплаб майдонлардаги ғўза нобуд бўлишидан сақлаб қолинади. Бундан ташқари, илгари 4 нафар сувчи бажарган ишни энди бир киши уддалаяпти. Томчилатиб суғоришда ҳам, эгилувчан қувурлардан фойдаланилганда ҳам сув исроф бўлмасдан, тўғри ниҳолнинг илдизига етиб боради. Натижада сув тақчил бўлган йилда ҳам ғўза яхши ривожланади. Бу эса деҳқончиликдаги муаммолар бартараф этилиб, харажатни камайтиради, даромад ошишига олиб келади. Шундай экан, соҳада илғор ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, суғориш маданиятини юксалтириш жуда муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

**Ўз мухбиримиз.**

# СУВ – БУ ҲАЁТ



**Сув Аллоҳнинг инсонларга берган энг ноёб неъматидир. Лекин ҳозирги кунда бу борадаги муаммоларни эшитсам, одамларнинг лоқайдлигидан, бефарқлигидан хафа бўлиб кетаман.**

Тақдир тақозоси билан ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида Тошкент вилоятининг ерости сувларини ўрганишга муваффақ бўлган эдим. Ёшлигимизда боболаримиздан эшитган ҳикояларга қараганда, Тошкент вилояти ерости сувларига жуда бой бўлиб, кетмон билан ернинг юзини озгина чопсангиз, тоза сувлар сизиб чиқар, одамлар ана шу сувларни ичишар экан.

Тошкент вилояти ҳудудида ернинг остида 5 қатламдан иборат сувлар бор. Уларнинг ҳаммасининг таркиби бир хил. Бундай дейишимга сабаб, ўша вақтларда ерости сувлари қудуқларидан сув олиб "Семашко" ИТИда текширтирганман ва у ердаги лабароториялар менга энг экологик тоза ичимлик суви, деган хулоса беришган. Бу ҳолат 2007 йилгача давом этган. Бундай сувлар Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Бўка, Бекобод туманларида ниҳоятда кўп.

1996 йилда бир лойиҳа, яъни сувни қадоқлаш бўйича мини-завод қуриш мақсадида Германияга бордим, мавзуга улар катта қизиқиш билан қарашди ва бу қизиқиш шу даражада эдики, менга қараб улар "Сизларда олтин еростидан ўз оқими билан чиқиб, яна ерга кириб кетар экан", дейишган эди. Мен Германияга ҳар бир қудуқ бўйича лавҳаларни алоҳида видеотасмага тушириб олиб борган эдим. Улар билдирган фикрдан ниҳоятда таъсирланиб, мини-завод қуриш бўйича шартнома тузиб келдим.

Шундай жаннати жойларда яшар экансизлар, деган фикрни эшитганимда, бутун вужудимни ғурур қамраб олган эди. Аммо, ичимлик суви стратегик аҳамиятга молик маҳсулот бўлгани учун, ўша пайтда экспорт қилишимга рухсат беришмаганди.

Лекин шуниси ачинарлики, Тошкент вилоятида ерости сувлари сероб бўлишига қарамай, айнан юқорида номлари тилга олинган туманлар марказларида тоза ичмлик суви муаммо.

Оққўрғон туманида 1953 ва 1957 йилларда ерости сувлари учун 5 та артезиан қудуқлари қазилган, аммо уларнинг биронтаси аҳоли учун хизмат қилмайди. Сабаби уларнинг бари туман марказидан йироқда жойлашган. Учта қудуқдан ҳеч қандай насоссиз, ўз оқими билан сув чиқиб ётибди. Шунчалар бефарқмизки, ҳатто қудуқ атрофи ҳам ўзлаштирилмаган.

Худди шу ҳолатни Бекобод ва Бўка туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Бекобод туманидаги "Мавлонов" фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган 2 та қудуқдан 1 таси туман марказидан 1 километр узоқликда, иккитаси аҳоли яшайдиган жойдан 2 километр узоқликда жойлашган. Аҳоли ана шу 2 километр узоқликдаги сувни ташиб ичишади ва ўша ерда аёллар кир ҳам ювишади. Чунки у қудуқдан сув 1 метр баландликка ўз босими билан отилиб чиқади.

Менинг юқоридаги муаммоларни ёзишдан мақсадим, ўша сувлардан туманлар аҳолисининг тўлақонли баҳраманд бўлишига эришиш.

**Ноила БЕРДИЕВА,**
*меҳнат фахрийси.*



# КАСБИМ - ФАХРИМ

**– Болалигимда техника рулини бошқаришни орзу қилардим, улғайгач орзуимга эришдим, бугун шу касбимдан фахрланаман, – дейди экскаваторчи Илҳом Душамов.**

У "Хуанхе 230-LC" маркали экскаваторидан сакраб тушар экан, атрофга синчков назар ташлади, гўё бугун қилиши керак бўлган ишларини чамалаётганга ўхшади.

И.Душамов 1980 йили Урганч қурилиш техника билим юртини тугатиб, иш фаолиятини Шовот туманидаги ПМК-4 қурилиш корхонасида бригадирликдан бошлади, кейинчалик иш юритувчи бўлиб ҳам ишлади. Сўнгра экскаваторчига шогирд тушди, ўқиб, бу ҳунарни мукаммал эгаллагач, касбини ўзгартирди. 2004 йилдан Хоразм мелиоратив экспедициясида экскаваторчи бўлиб ишлай бошлади. 2008 йилдан буён "Урганчдавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонасида ўғли Умиджон билан бир экскаватор рулини бошқариб келмоқда. Биз ота-болани Шовот туманидаги "Бешчиқир" маҳалласидаги "Обод қишлоқ" давлат дастурига кирган "Ижтимоият" коллекторида тизимли-таъмирлаш ишлари давом этаётганда учратдик. Кўмилиб қолган коллекторни қазиётган Илҳом Душамовнинг смена алмашадиган вақти ҳам бўлган эди чоғи, Умиджон "Хорманг, ота!", дея кулимсираганича отаси ёнида пайдо бўлди.

– Йил бошида шакллантирилган лойиҳа асосида иш олиб бораётган ота-бола экскаваторчиларимиз кунлик, ойлик ҳамда йиллик режа ва топшириқларни вақтидан олдин уддалаб келмоқдалар, – дейди Шовот тумани мелиоратив участкаси бошлиғи Даврон Хўжаниёзов.

Кунига 200–250 метр узунликдаги лойқалар тозаланаётгани боис коллекторларда сув ўтиши яхшиланиб, заҳматкаш деҳқонларимизнинг оғири енгил бўлмоқда.



***Суратда:*** *ота-бола Илҳом ва Умиджон Душамовлар экскаватор ёнида.*

– Корхонамиз маъмурияти, раҳбарларимиз бугун биз ишчи- хизматчиларга эътиборли. Яшаш учун, ишлаш учун шароитимиз аъло даражада. Меҳнатимиз қадрланаётган бу тинч кунларга минг қуллуқ, – дейди Илхом Душамов.

Ҳа, ҳаётидан мамнун экскаваторчи ота-болалар билан хайрлашар эканмиз, мустақиллигимиз ҳар бир оилага бахту саодат, тинчлик ва хотиржамлик олиб келганига амин бўлдик.

***Ўз мухбиримиз.***




AGROBANK
Халқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари бўлган
муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар,
касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!
Сизларнинг ёшлар ўртасида соғлом турмуш
тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва
ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдек улуғ ишларингиз
барчамиз учун ибратдир.
Байрам шукуҳи Сизларни асло тарк этмасин.
«АГРОБАНК»
Акционерлик тижорат банки
Жиззах вилоят бошқармаси жамоаси

**Умр бўйи қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳандис ва раис вазифаларида ишлаб, бугун кексалик гаштини сураётган Боғибек ота уйда бекор ётишни хуш кўрмайди. “Темирни ҳам ишлатмасанг, занглайди”, деб қўяди у гоҳида. Ўғли раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги далаларини айланиб, янгиликлардан баҳраманд бўлишдан чарчамайди.**

# МАСЛАҲАТДА МАЪНИ БОР

Отанинг ўғли Ойбек Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган “Қодир Уммат” фермер хўжалиги Хонқа туманидаги етакчи хўжаликлардан бири.

Хива қишлоқ хўжалиги техника билим юртида иқтисодчилик йўналишида таҳсил олган Ойбек 14 йил жамоа хўжалигида тракторчилик қилди. Деҳқон фарзанди эмасми, 2005 йили 10 гектар ер майдони олиб фермер хўжаликка асос солди. Бугунги кунга келиб 100, 4 гектар ер майдонига эга хўжаликнинг 64 гектар ерига пахтанинг уруғлик “Султон” нави экилган.

– Отамнинг маслаҳати билан 13,5 гектар пахта майдонимизда томчилатиб суғоришни жорий қилдик, – дейди фермер. – Телевизорда эшитгани бўйича тавсияга амал қилган отам, натижа яхши бўлса, шу технологияни барча ер майдонларингда қўллайсан, дедилар.

– Янги технология бўйича суғориш ишлари қандай кетаяпти, қийинчилиги йўқми? – сўраймиз ундан.

Бу саволдан фермер жиддий тортди, табиийки бу саволни у кўп эшитган.

– Қийинчиликсиз роҳат бўлмайди. Сув тежалади бир, ер майдони эмас, фақат экин сув ичади, икки. Экинларга сув кераклигини сезсангиз, келасиз-у, мана бу кнопкани босасиз, захирадаги сув томчилаб экинларнинг жонига оро киради. Қаранг, далаларимизда пахта баравж, бошқа далаларга қараганда бу далада кўсаклар бўлиқ ва кўпроқ. Ҳар бир тупда 35-40 дона кўсак бор. Фақат бу иш учун бир марта қийинчилик бўлади, маблағ сарфлаб бу ускунани ўрнатиб олсангиз бас, у ёғи ўзингиз кўриб турганингиздек...



*Суратда:* *Фермер Ойбек Жуманиёзов далаларга сув чиқарувчи насос агрегати ёнида.*

Мана, икки далага бир жойдан сув таралади. Фақат ҳар йили мана бу шланглар янгисига алиштирилади.

Хўжаликнинг ер балл бонитети ўртача меъёрни ташкил қилгани боис давлатга уруғлик пахта етиштириб бериш режаси гектарига 33 центнерни ташкил қилади. Ҳосилни 40-45 центнерга етказиш учун эса имкониятлар етарли.

Фермердан ғалла бўйича олинган натижани сўраганимизда билдикки, 30,3 гектар ғалла майдонидан режадаги 25 центнер ўрнига 70-75 центнердан ҳосил олинган. Бу натижаларга эришишда хўжаликнинг ҳар бир аъзоси қаторида сувчилар Омон Сафаев, Мақсуд Аҳмедовларнинг, тракторчилар Жалол Юсупов, Акбар ва Қамар Жуманиёзовларнинг ҳиссалари беқиёс.



Пиллачи аёллар Шодмонжон Абдураҳмонова, Наргиза Матрасуловалар ҳар йили хўжалик ҳисобидаги 4 қути ипак қуртидан 300 кг.дан ошириб ипак тола етиштиришади. Кўп тармоқли хўжаликда 1,5 гектар токзор мавжуд. 20 гектар шоли майдонлари бир текис бошоқлаган. 4 гектар сабзи, 4 гектар мош экинлари такрорий экин сифатида экилган бўлиб, йиғиб олиш ишлари бошланган. Яна шуниси диққатга сазоворки, фермер хўжалиги аъзолари эҳтиёжи учун балиқ ҳавзасида сазан, оқ амур каби балиқлар етиштирилмоқда. Балиқчи Алишер Нуриллаев хўжалик аъзолари заруратидан ортганини бозорга чиқариб сотади.

Биз хўжаликка борганимизда ҳали пахта-йиғим терими бошланмаган эди. Яқинда хўжалик пахта терими бўйича туманда етакчилик қилаётганини эшитиб хурсанд бўлдик. Амина Юсупова, Авазжон Бекметова, Зеваржон Жуманиёзова каби теримчиларнинг ҳар бири кунига 130-140 килограмдан “оқ олтин” териб улкан хирмон уюшда намуна бўлаётган экан.

Ўтган йили 70 гектарлик ер майдонидан умумий 500 млн. сўм даромад олиб, 120 млн. сўм соф фойдага эришган хўжалик, бу йил 100 гектардан ошиқ ердаги ҳосилдан янада юқори даромад кўзламоқда. Бунга имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

*Ўз мухбиримиз.*

# ҚОРАКЎЛЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

***Юртимизда чорвачилик соҳасининг имкониятларини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватланиши натижасида чорва бош сонининг ўсишига, ташқи истеъмол бозорларига чорвачилик маҳсулотлари экспорти учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилди.***

Қоракўлчилик – сермаҳсул соҳа. Уни ривожлантириш орқали марказдан олисда жойлашган ҳудудларда яшовчи аҳолини муқим иш ўринлари билан таъминлаш, аҳолига арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва сифатли қоракўл терини хориж давлатларига экспорт қилиш мумкин.

Бугунги кунда “Қашқадарё қоракўл” уюшмаси тизимидаги 9 та қоракўлчилик МЧЖлари таркибида 876 нафар ишчи ва хизматчилар ана шундай эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилмоқда. Қоракўлчилик МЧЖлари жами 600 минг 655 гектар яйлов ер майдонига эга бўлиб, ҳозирги кунда уларда 245 минг 362 бош майда шохли моллар ва 109 минг 746 бош она совлиқлар парвариш қилинмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда майда шохли моллар 22 минг бошга ва она совлиқлар 5 минг 480 бошга кўпайганлигини кўрсатади. Шунингдек, 2019 йил кўзилатиш мавсумида 80 минг 689 бош қўзи олиниб, уларнинг 80% устиришга қолдирилган.

Айни кунларда “Қашқадарёқоракўл” уюшмаси тизимидаги қоракўлчилик МЧЖларида 2019-2020 йил қишлов даврини муваффақиятли ўтказиш ва мавсумдан майда шохли молларни беталофат олиб чиқиш мақсадида чўпон-чўлиқлар матонатли меҳнат қилишмоқда. Ҳозирга қадар жойларда 56 минг 500 тонна хашак жамғарилди. Бу эса камида 2 йилга етади деб умид қилмоқдамиз, – дейди “Қашқадарёқоракўл” уюшмаси раиси Икром Зиядуллаев.



*“Қоракўлчилик” илмий-наслчилик тажриба станцияси директори Муҳиддин Расулов.*



***Суратда:*** *Чапдан биринчи, “Қашқадарёқоракўл” уюшмаси кадрлар бўлими бошлиғи Бердиназар Эрназаров, уюшмаси раиси Икром Зиядуллаев, уюшма бош мутахассиси Музаффар Мирзаев.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13-14 декабр кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида вилоят фаоллари билан кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда Юртбошимиз томонидан вилоятда қоракўлчилик соҳасини ривожлантириш, қора ва кўк рангли, юқори элита синфли наслдор қоракўл қўйлар етиштириш борасида мутасаддиларга бир қатор топшириқлар берилган эди. Жумладан, қоракўл қўйлари наслини яхшилаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Ғузор туманида “Қоракўлчилик” илмий-наслчилик тажриба станциясини ташкил этиш, шу мақсадда маҳаллий бюджет маблағларидан 3 млрд. сўм ажратилиши белгилаб берилган эди.

Ана шу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунга келиб, Ғузор туманида “Қоракўлчилик” илмий-наслчилик тажриба станцияси ўз иш фаолиятини бошлади. Мазкур станциянинг кўркам ва замонавий биноси қурилиши учун 632 млн. сумлик маблағ сарфланган бўлса, эндиликда тажриба станциясида моддий техника базаси шакллантирилиб, махсус техникалар, лаборатория жиҳозлари ва шу каби зарур воситалар олиб келиш ишлари давом этмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, “Қоракўлчилик” илмий-наслчилик тажриба станциямиз ишга тушиши билан 20 та янги иш ўрни яратилди. Туман худудидан 7 минг 502 гектар, шундан 102 гектар сувли ва 7 минг 400 гектар яйлов ер майдонлари ажратиб берилди. Яратилган шароитлардан фойдаланиб, шу кунга қадар вилоятдаги қоракўлчилик МЧЖлардан 1 минг 200 бош қора ва кўк рангдаги қоракўл қўйлари сотиб олиб келдик. Шу билан бирга Афғонистон давлатидан Сурхондарё вилояти “Чўпонота Алоқадор” МЧЖга олиб келинган насли қўчқорлардан олти бош наслли қўчқор олиб келдик. Энди уларни маҳаллий қоракўл қўйларимиз билан чатиштириб, юқори элита синфли наслдор қўйлар етиштиришни режалаштирмоқдамиз, – дейди станция директори Муҳиддин Расулов.

Албатта, “Қоракўлчилик” илмий-наслчилик тажриба станциясидаги эндиги вазифа наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиб, ранглар бўйича қимматли экспортбоп қоракўл қўйлар селекциясига алоҳида эътибор қаратиш ва серпушт қоракўл қўйларни ўзаро жуфтлаш орқали жаҳон мўйна бозорлари талабидан келиб чиқиб, қоракўл терининг рақобатбардош турларини яратиш. Бундан кўзланган мақсад эса миллий бойлигимиз бўлган қоракўл терилари довруғини дунёга таратиш ва уларни хориж давлатларига экспорт қилишдир.

***Ўз мухбиримиз.***

# ҒУРУР, ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

**Алижон ака Солиевни Ғиждувонда чорва билан шуғулланадиган кишиларнинг деярли барчаси қўли енгил, илмли, қолаверса, хосиятли ветеринария врачи сифатида яхши билишади.**

– Падарибузрукворим Амон ота Солиевнинг касби ҳайдовчилик, онам Ҳожибегим ая дала ишчиси бўлсалар-да томорқага, айниқса хонадон шароитида чорва моллари боқишга эътиборлари баланд бўлган. Шу боис, бизнинг дарсдан бўш вақтлардаги ишимиз томорқа экинлари, чорва молларини парваришлаш бўлган, – дейди қаҳрамонимиз. – Ёшликдан чорвага бўлган меҳрнинг меваси сифатида мен ўрта мактабни тугатгандан сўнг ҳеч иккиланмасдан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида таҳсил олиб, ветеринария врачи мутахассислигини эгалладим.



Алижон Солиев 1983 йилдан Ғиждувон туман Давлат ветеринария лабораториясида серология бўлими мудири, туман Давлат ветеринария бўлимида дезотряд, эпизоот отряди бошлиғи, 1991 йилдан ҳозиргача “Сарвари” ветеринария участкаси мудири вазифасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, тармоқни комплекс модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, замонавий инновацион ишланмалар ва илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этиш каби долзарб масалалар ечимига қаратилган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Энг муҳими, бу ислоҳотларда жонбозлик кўрсатаётганлар меҳнатига яраша рағбатлантирилаяпти. Алижон Солиевнинг кўп йиллик фидокорона меҳнати, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун 2017 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланиши гапимизнинг исботидир.

– Ҳудудимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонининг кўпайишини таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз, – дейди тажрибали ветеринар. – Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилиши юртимиз чорвачилик соҳасида тарихий воқеа саналади.

– Янгиланган тизим, – дейди Алижон ака, – чорвадорлар зиммасига ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ҳудудимизга ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоялаш, ҳайвонларни даволаш ва профилактикасининг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш масъулиятини юклади.

– Истиқлол йилларида халқимиз томонидан ҳамжиҳатликда босиб ўтилган 28 йиллик шонли йўл барча соҳаларда эришган улкан ютуқларимиз билан ҳаётимизда ўчмас из қолдирди. Айниқса, ўлкамизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мустақиллик даври тарихи саҳифаларини зарҳал ҳарфлар билан безамоқда, – дейди Алижон Солиев шукроналик билан. – Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасининг гувоҳи бўлганлигимдан ҳар бир юртдошимиз қатори менинг қалбимда ҳам ғурур, ифтихор туйғулари жўш уради.

**Ўз мухбиримиз.**

# Қўрғонтепалик ГУЛЛОЛА



**Юртимизнинг гуллаб-яшнаб, ривожланиб боришида шижоатли тадбиркор хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани аграр соҳасида ҳам шундай аёллар меҳнат қиляпти, уларнинг фаолиятини республикамизнинг кўплаб соҳа вакилларига ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди.**

– Туманимизнинг 21652,33 гектар экин майдонида 888 нафар фермер хўжалиги жойлашган, – дейди туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бош мутахассиси Улуғбек Шералиев. – Йиллар давомида давлатимиз томонидан яратилган қулайликлардан фойдаланган ҳолда 205 та пахта-ғалла йўналишида меҳнат қилаётган хўжаликдан 24 таси кўптармоқли хўжалик мақомига эга бўлди. Ҳозирги кунда қолган фермерлар ҳам ўз дастурларини туман ҳокимлигига тақдим қилишмоқда. Мақсад хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлаш баробарида, экин майдонларига ўз вақтида самарали ишлов бериш. Туманимизда астойдил меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришиб келаётган хўжаликлар талайгина. “Исақова Одинахон файзи” кўптармоқли фермер хўжалиги шулардан бири. Хўжалик раҳбари Гуллолахон Жўраева билан учрашиб, ютуқлари ҳақида суҳбатлашсангиз, яхши бўларди.

Биз Улуғбек билан кўхна Дардоқ қишлоғи томон йўлга чиқдик. Қўрғонтепа Андижон вилоятининг қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош туманларидан бири. Кейинги йилларда давлатимизнинг ободончилик ва бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратиши натижасида қишлоқларимиз ҳам шаҳарлардан қолишмайдиган даражага етди.

Гуллола бизни қишлоқ марказидаги бино, тўқувчилик цехи томон бошлади. Бино жуда салобатли бўлиб, унда ганчкорлик, ўймакорлик ва наққошлик санъати намуналари кўзга ташланарди.

– Бу бино 1985 йилларда қуриб фойдаланишга топширилган бўлиб аввал умумий овқатланиш биноси бўлган, кейин Қишлоқ фуқаролар йиғини идораси вазифасини бажарди. 2018 йили хўжалигимиз ихтиёрига ўтгач, тўқувчилик цехига айланди. Ҳақиқатан ҳам, қўли гул усталарнинг нодир асарлари жамланганини инобатга олиб, уни таъмирлаш жараёнида ўзгартирмасдан реконструкция қилишга қарор қилдик. Натижаси ёмон бўлмади. Кўрган киши ҳайрат билан томоша қилади.

Хўжалигимиз 2014 йили 53 гектар экин майдонида ўз фаолиятини бошлаган. Ўша пайтда 6 нафар доимий ва 18 нафар мавсумий ишчимиз бор эди. Ҳозирга келиб ер майдонимиз 250 гектарга (шундан 49 гектари яйлов) кенгайди. Фаолиятимизнинг илк йилларидан орттирган даромадимиз ҳисобидан юқори унумли қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишга эътибор қаратдик. Қисқа вақт ичида "Орион-630" ҳайдов трактори, "Класс-Доминатор" комбайни, "Белорус", МТ-380, қатор орасига ишлов берувчи ва ТТЗ-880 транспорт тракторларини харид қилиб, экин майдонларига ўз вақтида ишлов беришга эришдик. 2016 йилда хўжалигимизда қорамолчилик ва қўйчиликни йўлга қўйдик. Туман раҳбариятига раҳмат, бошлаган ишимизни қўллаб-қувватлаб, 49 гектар яйлов ажратиб берди. Ҳозирги кунга келиб, 280 бош наслли қўй ва 18 бош қорамол парваришлаяпмиз. Бундан ташқари, 2,20 гектарда боғ барпо этганмиз ва 16 гектарда сабзавот маҳсулотлари етиштиряпмиз. Жорий йилда 72 гектарга ғалланинг "Антонимо" ва "Гром" навларини экиб, 42 центнер ўрнига 70 центнердан ҳосил олдик. 127 гектар майдонда пахтанинг "Андижон-36" навини парваришлаб, ҳар гектар майдондан 28 центнер ўрнига 40 центнердан “оқ олтин” олишни аҳд қилганмиз. 2018 йили тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида, қишлоғимиз марказида жойлашган, деярли қаровсиз ҳолда бўлган ушбу бинони харид қилдик. Тўғрисини айтиш керак, бу соҳа деҳқончилик эмас. Унинг ҳам ўзига яраша сир-синоати, қонун-қоидаси бор. Шунинг учун ушбу соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассис Озодахон Собировани ишга таклиф қилдик.

– Ушбу соҳада кўп йиллардан буён якка тартибда фаолият олиб борсам-да, қишлоғимизда бундай цех очилишини тасаввур қилмагандим, – дейди Озодахон. – Бинонинг иккинчи қавати таъмирдан чиққач, замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Қишлоқдан 70 нафар хотин-қизни ишга таклиф қилиб, бичиш-тикиш ишларини ўргата бошладим. Ёшларимизнинг зеҳни ўткир, қисқа вақт ичида ўз ишларининг устаси бўлиб етишди. Ҳозирги кунда бир ойда 18–20 минг АҚШ долларилик маҳсулотларимизни Россияга экспорт қиляпмиз. Яқин кунларда бинонинг биринчи қавати ҳам таъмирдан чиқса, яна 30 нафар ёш қиз доимий иш ўрнига эга бўлади. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгаяди.

– Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлса керак? – сўрайман фермердан.

– Албатта. Ўтган йили 4 миллиард 268 миллион сўм соф фойда олишга эришган эдик. Жорий йилда эса 7 миллиард сўм атрофида соф фойда олишни мақсад қилганмиз. Ҳар йили кам таъминланган оилаларга, болалар уйларига, ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим масканларига ўртача 200 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатамиз.

“Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан эл”, дейди халқимиз. Кўплаб инсонларнинг дуосини олиб, халқ корига яраётган бу аёлнинг шижоатига қойил қолиб, у билан хайрлашдик.

**К. ҲАЙИТБОЕВ.**
*ўз мухбиримиз.*

# ОМИЛКОРЛИК – ОМАД КАЛИТИ

Юртимизда шундай ажойиб инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўллари, қилаётган ишлари ўрнак, пой-қадамлари ибрат. Ҳар бир ютуқлари замиридаги меҳнат эса ақл ва заковатнинг маҳсули. Одамлар ишончи, кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор улар учун юксак мукофот.

Чортоқ туманидаги “Уч қаҳрамон” фермер хўжалиги раҳбари Боқижон Алиматов ана шундай ажойиб инсонлар сирасига киради. Юрагидаги шижоат, далага бўлган меҳр уни фермер бўлишга ундади. Бор маҳоратини ишга солиб, агротехника қоидаларига амал қилиб ишлади. Энг асосийси, у одамлар дардига қулоқ солишни билади, диллашиб, тиллашиб, маслаҳат билан ҳаракат қилади.

2018 йили 37 гектар пахта майдонидан 43 центнердан, 65 гектар ғалла майдонидан эса 80 центнердан дон йиғиб олди. 264 тонна дон маҳсулотини давлатга топширган бўлса, 30 тоннадан ортиғини жамоа аъзолари билан баҳам кўрди.



– 15 оила асалари, 70 бош қуёнлар сонини кўпайтириш мақсадида тинимсиз изланяпмиз, – дейди Боқижон. – 40 гектар майдондаги боғимиз қир-адирдан иборат, насосларда сув чиқариб ушбу ерларни парваришламоқдамиз. Ёнғоқ, бодом, анор, олма, олхўри, узум, ўрикдан келаётган даромад ҳам чакки эмас. Келажакда мева қуритиш, сақлаш учун цех ташкил этмоқчимиз.

Айни кунларда эса, даладаги момиқ, оппоқ бўлиб ясанган пахталарни кўриб ҳавас қиласиз.

– Фермер хўжалиги “Уч қаҳрамон” деб номланишининг сабаби нимада, негадир ўзига чорлайди, ажойиб?

– Раҳматилла Ортиқов номли ушбу ҳудудда хўжалик раислари, миришкор деҳқонлар Раҳматилла Ортиқов, Абдували Рахимов, Ҳошимжон Эшонов каби 3 қаҳрамоннинг шараф-шонини эслаб юриш ва улардай фидойи, ўз ишининг устаси бўлишни орзу қилиб, ҳавас билан шу номни танладик.

– Ниятингизга етиб юринг, қалбингиздаги эзгулик, яхшилик ҳамроҳ бўлаверсин.

Тўрақўрғон туманидаги “Абдуллажон Ахмаджонов” номли фермер хўжалиги раҳбари Орифжон Қўчқоровни Наманган вилоятининг илғор фермерларидан бири, десак хато бўлмас. Ҳар йилги пахта ва ғалладан белгиланган режаларни ортиғи билан бажариб келаётган қаҳрамонимиз ушбу йилда 64,4 гектар ер майдонига умид билан чигит қадаган эди. Айни кунда далалардаги оппоқ, лўппи бўлиб очилган пахтазорларга қараб лол қолмай илож йўқ. Чаноғида қолдирмай тераётган теримчиларга ҳавас билан боқасиз. Улар сингари маза қилиб қўшиқ айтиб, этакларни тўлдириб пахта тергингиз келади.

– 76 гектар ғалла майдонидан 75–80 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Даромаддан хўжалик аъзолари ҳам хурсанд. 19 гектардагисини уруғликка топширдик, – дейди Орифжон. Улар ҳозир 31 бош наслли чет эл молларини рацион асосида парваришламоқда. 100 қути асалари, 50 сотихдан иборат иссиқхонада эса бодринг, помидор, турли хил кўкатлар алмашлаб экилади.

– Юмушлар қийнаб қўймаяптими, ҳар қалай, ёш экансиз?

– Қизиқиш, меҳр, ҳалол меҳнат бўлса, Худо баракасини бераверади. Қолаверса, Зоҳиджон акам, Одилжон, Азизбек укаларим ёрдамчи, маслаҳатчи. Бирлари тракторни бошқарса, қолганлари иш юритувчи, сувчи. Аҳиллик, бирдамликда ҳам гап кўп экан.

“Ҳаёт мактабидаги ибрат” деб аталмиш гўзал ибора халқимизга хос фазилат, самимият, қалбдаги кўринмас хаёлий фалсафа.

Ҳорманг, омон бўлинг, меҳнаткаш халқим<br>
Сиз фермерсиз, деҳқонсиз, сиз ифтихорим.<br>
Сизни доим қўллаб турсин Аллоҳим,<br>
Гулласин, яшнасин Ўзбекистоним!

Р. ТОЖАЛИЕВА.

# МИКРОБИОЛОГИК БИОЎҒИТЛАР – ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

Ер – бизни боқувчи асосий манба. Шу боис уни асраб-авайлаш бугуннинг муҳим ва долзарб масаласидир. Ерга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлсак, унинг унумдорлиги ортиб, юрт обод, халқ бой, фаровон кун кечиради.

Унумдор тупроқ деганда, ўсимликларнинг тупроқда ўсиши учун уларни минерал элементлар ва намлик билан таъминлаш ҳамда бошқа қулай шароитларни сақлаш (тупроқ микроорганизмлари баланси, механик таркиби, физик-кимёвий шакллари ва бошқалар) кабилар тушунилади.

Тупроқ унумдорлигини оширишда тупроқ микроорганизмларининг ўрни беқиёс. Зеро, тупроқнинг унумдорлиги айнан микроорганизмлар миқдори ва хилма-хилигига боғлиқлиги аллақачон ўз исботини топган.

Соғлом, унумдор тупроқнинг ҳар бир граммида 5 миллиардан ортиқ бактериялар бор. Бир гектар майдондан олинган соғлом тупроқнинг 25 см қатламидаги микроорганизмларнинг бир массаси 3–5 тоннани ташкил этиши мумкин.

Микроорганизмлар туфайли тупроқ ўзининг тирик тизимини ҳосил қилади. Улар тупроқ унумдорлигини тикланишини таъминлайди, гумус пайдо бўлишида иштирок этади, ҳатто минералларни парчалаб, Менделев жадвалидаги барча элементларни ўсимликлар учун етказиб беради. Яна озиқ муҳитини тайёрлаб, уни тупроқ эритмасидан илдиз тизимига ўтказади, тупроқ таркибидаги фойдали микрофлора ва фаунани қайта ишлайди.

Ўсимлик микроорганизмларсиз яхши ривожлана олмайди. Бошқача айтганда, тупроқ микрофлорасини тикламасдан, унинг унумдорлигини ошириб бўлмайди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиясида асосий эътиборни фойдали тупроқ микрофлорасига ва фаунасига қаратиш зарур.

Кўплаб агроном ва олимлар кимёвий препаратларни қўлламасдан туриб, замонавий маҳсулдор хўжалик юритиш қийин дейишади. Аслида эса ундай эмас. Ҳозирги кунда дунёда аграр соҳани ривожлантириш концепцияси қайтадан кўриб чиқилмоқда ва аста-секин қишлоқ хўжалигини техногенли усуллар билан бошқаришда, деҳқончиликда биологизацияга, яъни янги биотехнологияларни фаол қўллашга ўтилмоқда.

Сўнгги йилларда 50 та ривожланган давлатда, жумладан, АҚШ, Канада, Германия, Голландия, Япония, Франция, Корея, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, Хитой, Россияда қишлоқ хўжалик соҳасида ЭМ-технология – фойдали микроорганизмларни қўллаш туфайли кам маблағ сарфлаб юқори фойда келтирувчи технология қўлланилмоқда.

ЭМ-технологиянинг мақсади – тупроқда фойдали микрофлорани ривожланиши учун оптимал шароит яратиш, қўлланиладиган ўғитларнинг фойдали ҳаракат миқдорини ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, патоген микрофлорани ривожланишини тўхтатиш ва тупроқни, ўсимликларни соғломлаштиришдан иборат. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан биргаликда кимёвий пестицидлар ўрнига биопестицидлар ва биоинсектицидлар қўлланилмоқда. Натижада маҳсулот экологик тоза, одамлар учун фойдали ва мутлоқо зарарсиз бўлиб етилмоқда.

Тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун ЎзР ФА Микробиология институти Тупроқ микробиология ва биотехнология лабораториясида ЭМ-технология сериясидаги янги FOSSTIM-1, FOSSTIM-3 бактериал ўғитлар, RIZOKOM-1 ва RIZOKOM-2 комплекс таъсир этувчи биопрепаратлар яратилган. Биоўғитлар таркибига кирувчи фойдали бактериялар уруғларни экишдан олдин ишлов бериш пайтида қўлланилади. Уруғ билан бирга бактериялар тупроққа тушиб, у ерда ривожланади. Ўзидан антибиотик моддаларни ажратиб, касалликлар чақирувчи патоген микрофлорани ўстирмайди ва илдиз тизими ривожланишини таъминлайди. Шу сабабли уларни биофунгицидлар сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Лабораторияда RIZOKOM сериясидаги биопрепаратлар ҳам яратилди. Улар тупроқнинг шўрланишини пасайтиради, унумдорлигини оширади. Бактериал ўғитлар ва биопрепаратлар тупроққа уруғлар орқали солинганда, ерда гумус таркибини оширади ҳамда озиқ элементларнинг айланишида иштирок этадиган фойдали тупроқ микроорганизмлари ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини барглари орқали озиқлантиришга мўлжалланган яшил микросувўтлар асосида ишловчи SERHOSIL биопрепаратини, бемалол, олимларимизнинг сўнгги йиллардаги изланишларининг яхши самараси дейиш мумкин. Бу биопрепаратни вегетация даврида 2–3 марта барглари орқали озиқлантиришда қўллаш, минерал ўғитлардан фойдаланишни 25-30 фоизга камайтиради, тупроқ юза қатламида микросувўтлари яшил ғубор ҳосил қилиши эвазига суғориладиган сув миқдори тежалади. Микросувўтлар гўнгли ўғитларга нисбатан тупроқда тезроқ парчаланади ва ерни бегона ўтлар уруғлари, зарарли ҳашоратлар личинкалари, фитопатоген замбуруғлар споралари билан ифлослантирмайди. Янги буоўғитларнинг эътиборли жиҳати, уларнинг инсонлар, ҳайвонлар, тупроқдаги тирик организмлар ва атроф-муҳит учун мутлоқо зарарсиз эканлигидир.

Ҳозирги кунда, бизнинг тупроғимиздаги зарур макроэлементлар – азот, фосфор ва калийнинг 50–80 фоизи ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган шаклда. Фермерлар буни ҳисобга олмасдан, ерга селитра, карбомид, аммофос, гўнг ва бошқаларни меъёрсиз солишади. Лекин, ўсимликлар булар билан эмас, макро ва микроэлементлар билангина озиқланади. Қуйидаги 17 та озиқ элементларсиз ўсимлик ўса олмайди: фосфор, калий, кальций, магний, марганец, олтингугурт, бор, рух, мис, темир, молибден, кобальт, селен, углерод, кислород, водород ва азот. Тупроқда ушбу элементлардан бирортаси етишмаса, ўсимликнинг ҳосилдорлиги бирданига пасаяди.

Тупроқ микробиологларининг асосий вазифаси – ерда ушбу барча озиқ макро-микроэлементларнинг бўлишини таъминлаш. Хўш, буни қандай амалга ошириш мумкин?

Бу жуда ҳам оддий бўлиб, етмаётган органик ва минерал ўғитлар миқдорини тупроққа солиш ва зарур микроорганизмларни бериш лозим. Шу йўл билан биз ўсимликларни қўшимча харажатларсиз ва ҳаракатларсиз озиқлантира оламиз.

Бугунги кунда, биотехнология ва унга ҳамроҳлик қилаётган ЭМ-технологиягина қисқа вақт ичида бутун атроф-муҳитни соғайтиришга ва глобал ҳисобланган ҳайвонлар, ўсимликлар генофондини ва одамларни сақлаб қолиш муаммосини ҳал этишга қодир. Шу сабабли, босқичма-босқич деҳқончиликда биологизацияга ўтиш, яъни фаол янги биотехнологияларни қўллаш муҳимдир.

Республикамизда 6 та миллий ва 1 та халқаро

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА БЎҒДОЙДА САМАРАДОРЛИК



Назорат, NPK



Тажриба - NPK+ RIZOKOM-2+SERHOSIL

# ЭКОЛОГИК СОФ ЯНГИ АВЛОД БИОЎҒИТЛАРИ

GREEN BIOTECH




## ЕРГА ҚУВВАТ, ДЕҲҚОНГА ДАРОМАД БЕРАДИ!



# СОҒЛОМ ТУПРОҚ!
# СОҒЛОМ ҲОСИЛ!
# СОҒЛОМ ҲАЁТ!

MIKROBIOLOGIYA INSTITUTI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

## Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш учун Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг янги ресурстежовчи биоагротехнологияси яратилган






**Биз экологик фикрлаймиз:**
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тупроққа, ўсимликларга ва атроф-муҳитга зарарсиз етиштирамиз;
- табиат билан ҳамнафас ишлайдиган инновацион биотехнологиялардан фойдаланамиз.

**Биз тупроқ саломатлигидан бошлаймиз:**
- тупроқ ва суғориладиган сувни ташхис қилиб, ҳар бир далага индивидуал ёндашув қўллаймиз;
- тупроққа минимал ишлов берамиз;
- ортиқча ўғит беришни камайтирамиз;
- суғориладиган сувни рационалсиз ишлатилишига йўл қўймаймиз, сувни сарфини камайтирамиз;
- кимёвий фунгицидларнинг ишлатилишига йўл қўймаймиз.

**Биз фермерлар муаммоларини ҳал қиламиз:**
- тупроқларнинг табиий унумдорлигини қайта тиклаймиз ва оширамиз;
- ўсимликларни касалликлардан ва ҳашаротлардан қутқарамиз;
- қишлоқ хўжалиги экинларига иммунитет ҳосил қилишига ва ноқулай тупроқ ва об-ҳаво шароитларига (қурғоқчилик, дўл, шўрланиш, совуқ уриш, сел, шўр ва чанг бўронлар) чидамли бўлишига ёрдам берамиз.

**Биз биотехнологик ривожланишни сезиларли қиламиз:**

яратилган инновацион биоагротехнологиялар фермерларга қуйидагиларда ёрдам беради:
- кам ресурс ишлатиб, кўп миқдорда ва экологик тоза ҳосил етиштиришга;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ва рентабеллигини оширишга.

**Агар Сиз тупроқ унумдорлигини, маҳсулотингизни сифати ва ҳажмини яхшилашни янги усулини қидирган бўлсангиз, Сиз уни топдингиз!**

**Биз билан ҳозироқ боғланинг:**

**JV LLC «GreenBioTech» +998(78) 113-13-31**

**greenbio.technology@mail.ru www.greenbio.technology**

лойиҳалар доираси-да шўрланмаган ҳамда шўрланган, фосфорлан-ган, деградацияга учраган тупроқларда техник (ғўза, қанд лавлаги), донли (кузги буғдой), сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиш-тириш учун экологик зарар-сиз, энергия ва ресурстежам-кор, иқтисодий самарадор янги биотехнологиялар яра-тилди. Улар 3 та инноваци-он лойиҳа доирасида аграр соҳага алоқадор илмий тек-шириш институтларида, шу-нингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари фер-мер хўжаликларининг пах-та далаларида қўлланилди ва ишлаб чиқариш синови-дан ўтган.

Бугун бемалол айта ола-мизки, янги биотехнология-лар қуйидаги афзалликлар-га эга:

**Шўрланган ерларда экилган пахтага RIZKOM-1 ва SERHOSIL биопрепаратларини қўллашнинг ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ**

| Кўрсаткичлар | ПСУЕАИТИ Сирдарё илмий-тажриба станцияси (С-6524 нави) | | ПСУЕАИТИ Бухоро илмий-тажриба станцияси (Бухоро 8 нави) | | Сирдарё вилоят Мирзаобод тумани“Сувчи Мироб даласи” ф/х (Ан-Баяут 2 нави) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Анъанавий экилганда назорат $N_{200}$ $P_{180}$ $K_{100}$ га /кг | Тажриба $N_{200}$ $P_{180}$ $K_{100}$ га /кг RIZKOM-1 + SERHOSIL | Анъанавий экилганда назорат $N_{250}$ $P_{140}$ $K_{80}$ га /кг | Тажриба $N_{250}$ $P_{140}$ $K_{80}$ га /кг RIZKOM-1 + SERHOSIL | Анъанавий экилганда назорат $N_{250}$ $P_{140}$ $K_{80}$ га /кг | Тажриба $N_{125}$ $K_{30}$ га /кг RIZKOM-1 + SERHOSIL |
| Ерни ва уруғни экишга тайёрлаш, экиш вегитация даврида экинларни парвариш-лаш, ўғит бериш ва суғориш харажатлари | 2 766 736 | 2 766 736 | 2 766 736 | 2 766 736 | 2 766 736 | 2 766 736 |
| Ўғитлар нархи - NPK | 814 285 | 914 285 | 850 200 | 850 200 | 900 200 | 300 066 |
| Биоўғитлар: RIZKOM-1 ва SERHOSIL | – | 140 000 | – | 140 000 | – | 140 000 |
| Ўғитларга сарфланган жами харажатлар | 914 285 | 1 054 285 | 850 200 | 990 200 | 900 200 | 440 066 |
| Умумий харажат | 3 681 021 | 3 821 021 | 3 616 936 | 3 756 936 | 3 666 936 | 3 206 802 |
| Ҳосилдорлик га/ц | 25,5 | 35,5 | 28,5 | 42,4 | 28,7 | 39,7 |
| Ҳосил таннархи | 3 133 950 | 4 362 950 | 3 441 200 | 5 210 960 | 3 527 230 | 4 879 130 |
| Соф фойда | - 547 021 | 541 929 | - 175 736 | 1 454 024 | - 139 706 | 1 672 328 |
| Фойдалилик даражаси % | – | 14,2 | – | 38,7 | – | 52,1 |

– уруғларнинг дала шароитида тўлиқ униб чиқиши имкониятини оширади;

– тупроқ микрофлораси ва озиқ элементлари балансини яхшилайди;

– тупроқдаги макро ва микро элементларни ўсимликлар ўзлаштирадиган шаклга ўтказади;

– солинадиган ўғитларнинг фойдали ҳаракат миқдорини кўпайтиради;

– сув сарфини камайтиради;

– кимёвий фунгицидларнинг ўрнини босади;

– деградацияга учраган ва шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини қайта тиклайди, гумус ҳосил бўлишини жадаллаштиради, тупроқ микробиотасини соғломлаштиради;

– қишлоқ хўжалиги экинларининг касалланишини пасайтириб, касалликларга ва об-ҳаво шароитларига, қурғоқчилик ҳамда совуққа чидамлилигини оширади;

– маҳсулотларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириб, сифатини ва сақланувчанлигини яхшилайди.

Масалан, ғўзанинг ҳосилдорлиги 8–10 ц/га, кузги буғдойники 9–14 ц/га, бодрингники 3–4 т/га, картошканики 5,2–5,9 т/га, қанд лавлагиники 45 т/га ошади. Қишлоқ хўжалиги экинларини анъанавий технологиялар билан етиштиришга нисбатан моддий ва меҳнат ресурслари кам сарф қилинади.

Бундан ташқари, қатор хўжаликларга янги турдаги, жумладан экологик тоза (сабзавот экинларини анъанавий технологиялар билан етиштиришга нисбатан, бир мавсум давомида бодрингларда нитратлар 10,3 фоиз камайган ва С витамин 2,9 фоиз ошган; картошкада нитратлар 10,6 фоиз камайган, С витамин 1,2 фоиз ва крахмаллиги 2 фоиз ошган) маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради.

Энг муҳими, меваларда витаминлар ва каратин миқдорини ошириб, ҳосилнинг пишиш муддатини 10–15 кунга тезлаштиради, ғўза ишлаб чиқариш рентабиллигини 52 фоизга, буғдойникини 45 фоизга, сабзавот экинлариникини ўртача 44–90 фоизга оширади.

Эндиликда яратилган ва амалиётда синовдан ўтган энергия ва ресурстежамкор биотехнологияни саноатда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида кенг миқиёсда жорий қилиш лозим.

Фермерлар биз яратган биоўғитларни ишлатишни хоҳлашмоқда. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар 8-республика ярмаркасида фермерлар билан 1,5 млрд. сўмликдан ортиқ хўжалик шартномалари тузилганлиги гапимизга исбот бўла олади.

Биоўғитларни кўплаб ишлаб чиқариш ва жорий қилишга тўсқинлик қилаётган нарса – бу ишлаб чиқаришнинг йўқлигидир. Уларнинг саноат асосида ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун янги биотехнологияларни кенг жорий қилиш имконини беради.

Бу борада ўтган йилнинг 14 июль куни Президентимиз томонидан имзоланган “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айни муддао бўлди. Мазкур қарорда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан янада тўлиқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланган. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда хорижлик ҳамкорлар билан қўшма корхона очилди ва дастлабки қадамлар қўйилди. Келгусида биоўғитларни кўп миқдорда саноат усулида ишлаб чиқариб, деҳқон ва фермерларимизга кенг миқёсда етказиб бериш ниятидамиз.

**Гулнора ДЖУМАНИЁЗОВА,**

*ЎзР ФА Микробиология институти тупроқ микробиология ва биотехнология лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори, профессор.*




Назорат – NPK анъанавий етиштириш

Тажриба - NPK + Rizokom-1+Serhosil

**Жорий йилда Беруний туманидаги “Олғабос” машина-трактор парки ҳудудида жойлашган фермер хўжаликлари давлатга икки минг тоннадан ошириб пахта сотиб, республикамизнинг улкан “оқ олтин” хирмони юксалишига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилишган.**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Мазкур ҳудуд Султон Увайс тоғ тизмалари ён бағрида жойлашган бўлиб, ўзлаштирилганига унчалик кўп вақт бўлмади. Ҳудуддаги 12 та фермер хўжалиги пахтачилик, 15 та фермер хўжалиги чорвачилик, 4 та фермер хўжалиги балиқчилик ҳамда паррандачилик билан шуғулланади.

Уларнинг йил бўйи қилган меҳнатлари зое кетмади, далаларда мўл ҳосил жамғарилди. Айни кунларда йиғим-терим ишлари авжида.

Терилган пахтанинг харид нархи оширилганлиги, теримчи ва ҳашарчиларга яратилган шарт-шароитлар, уларга терим пуллари кунлик бериб борилаётганлиги ва яратилган бошқа қулайлиги боис шу кунгача давлатга йиллик пахта тайёрлаш режасининг 90 фоизидан ошириб қимматбаҳо саноат хомашёсини сотдилар.

– Чўл шароитида деҳқончилик қилишимизга қарамасдан, ҳар гектардан 23–25 центнердан “оқ олтин” йиғиб-териб олиб, йиллик шартномавий режамизни ортиғи билан уддалаш арафасида турибмиз, –дейди “Олғабос” ММТП раиси Давлатбой Жондирбоев. – Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Давлатга яна 250 тонна пахта сотиб, ялпи хирмонимиз салмоғини 2000 тоннага етказмоқчимиз. “Озод Гулимбаев”, “Нурислом-Амира”, “Зейнал-Усмон”, “Нураддин-Жумагул”, “Ҳазрати уста”, “Юнусбек-Хидирбой” каби фермер хўжаликларимиз давлатга пахта сотиш шартномавий мажбуриятларини ортиғи билан уддалаб, айни кунларда келгуси йил ҳосилига ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ҳа, Беруний туманидаги “Олғабос” хўжалигида йиғим-терим ишлари якунловчи босқичига кирди. Шу боисдан мазкур жамоада пахтани охирги чаноқларигача йиғиб териб олиш билан биргаликда 2020 йил ҳосилига ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

* * *

Айни кунларда Элликқалъа туманида ҳам йил бўйи қилинган машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда.

Тажрибали деҳқоннлар яхши биладиларки, куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Бугун ҳаво очиқ бўлса, эртага ёғингарчилик бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Айниқса, мамлакатимизнинг шимолида жойлашган Қорақалпоғистонда бу одатий ҳол.

Тумандаги “Боғёб” МТП ҳудудидаги фермер хўжаликларининг “юки” анча оғир. Ҳар йили 2000 гектарга яқин майдонга чигит қадалиб, эл-юрт хирмонига салкам уч минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилади.

“Боғёб”да асосий тармоқ пахтачилик. Ундан кўрилган фойда фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоаларга айлантирмоқда. Табиатнинг бу йилги инжиқликлари – баҳорнинг нисбатан серёғин, ёзнинг ҳаддан ташқари иссиқ келиши, сув тақчиллиги, ҳашаротларнинг хуружига қарамай барча майдонларда режани бемалол қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди.

Халқимизда шундай ибратли мақол бор: “Даладагиси эмас хирмондагиси ҳисоб”. Буни яхши билган деҳқонлар йиғим-терим ишларини авж олдириб, тобора марра сари яқинлашиб келмоқдалар. “Ободжон Момутов”, “Навоий”, “Оқ олтин”, “Эл обод маҳалла” сингари ўнлаб фермер хўжаликлари аллақачон давлатга пахта сотиш шартномавий режасини ортиғи билан уддалаб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

Таъкидлаш лозимки, “Боғёб”да чорвачилик тармоқларини, жумладан қорамолчилик, паррандачилик, қуёнчилик, балиқчилик тармоқларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Азамат Ражаббоев раҳбарлик қилаётган гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги қўлга киритаётган ютуқлар бугун кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Хўжаликда Польша давлатидан келтирилган 50 бош қора-ола зотли қорамол асралмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 15 тоннадан зиёд гўшт етиштирилди. Соғин сигирларнинг ҳар бошидан кунига ўртача 10–15 литрдан сут соғиб олиниб, болалар боғчалари, шифохоналарга етказиб берилмоқда.

“Бўстон-страус” фермер хўжалиги паррандачиликдаги янги тармоқ –Африка туяқушларини парваришламоқда. Ҳозирги кунда жамоада 8 бош Африка туяқуши мавжуд. Улар зооветеринария қоидаларига биноан парваришланаётганлиги боис кун сайин вазнигавазн қўшилмоқда. Бу ерда асосан туяқушлар тухуми сотиляпти. Харидорлар уларнинг 1 донасини 300 000 сўмга сотиб олишмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбарининг айтишича, бу жониворларининг тухумини сотишдан 20 миллион сўм соф фойда кўрилган. Келгусида уларни гўштга топшириш ҳам режалаштирилган.

Фермер Абдулла Ҳусинов қуёнчилик билан шуғулланмоқда. Айни пайтда жамоада 500 бош қуён мавжуд. Жорий йилнинг ўтган даврида 4 тонна қуён гўшти, 600 дан кўпроқ қуён териси сотилди. Хўжаликнинг 20 гектардан кўпроқ майдонига асосан беда, сабзи, лалаги экилган. Ҳозирги кунда улар ҳосили саранжомлаб олиняпти.

Ҳа, бугун Қорақалпоғистон Республикасининг қайси ҳудудига борманг, далалар қизғин меҳнат кетаётганлигига гувоҳ бўласиз. Қорақплмоқистонлик деҳқонларнинг ниятлари битта – қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида юқори натижаларга эришиб, халқимиз турмуши фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш.

**Раимбой КАЗАКОВ,**
*ўз мухбиримиз*

*Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшироқдир*
*Ҳадиси шариф.*

# АНОРЧИ ЖЎРАБОЙ БОБО



**Ҳаётининг етмишинчи йилида умргузаронлик қилаётган Жўрабой бобо Шералиев Шеробод туманидаги Нуртепа МФЙга қарашли Кампиртепа қишлоғида яшайди. У кишининг кампири Қурбон момо Кенжаева олтмиш саккиз ёшда. Бу оиланинг қурилганига салкам 50 йил бўляпти.**

Улар кўп йиллардан бери каттагина томорқаларини боғзорга айлантиришиб, шунинг ортидан рўзғор тебратишади. Боғ асосан анорзордан ташкил топган. Бу оиланинг боғида ҳам бошқа кўпчилик шербодликларникидаги каби “Шеробод анори” деб машҳур бўлган анорлар етиштирилади. Шунинг орқасидан фарзандларини оилали, уйли-жойли қилишди, чол-кампир биргаликда улуғ умра зиёрати ва муборак ҳаж ибодатини адо этишди.



Уларнинг – биттаси узоқроққа, биттаси яқинроққа келин бўлиб тушган иккита қизи бор. Катта қизи Турдихол ўн беш километрча нарида яшаса, кичик қизи Ойнахол ва унинг фарзандлари тўрт-беш ҳовли нарида яшагани учун ота-онасиникига тез-тез чиқиб, ишларига қарашиб туришади.

– Ҳожи бобо, ҳар битта анорни келинчакдай қилиб қоғоз рўмолга ўраб қўйибсиз, бу ниманинг эҳтиёти?

– Ука, уларни қуёшнинг ўткир ва иссиқ кўзидан тўсмасак, ҳам пўсти, ҳам ичи зарарланиб қолади. Қоғозни ўзимиз оҳисталик билан ўраб, ҳар йили 25 октябрда қоғозларини эҳтиёткорлик билан ечиб оламиз, чунки ўша кунларда қуёшнинг иссиғи урмайдиган даражада бўлиб қолади. Ана ўшандан сўнг беш-ўн кун ўтказгач, анорларни узишга кунлик ишлайдиган ишчиларни ёллаймиз. Кейин узилган анорларни катта-кичиклигига қараб саралаймиз. Ана шундан сўнггина қутиларга жойлаштирамиз-да, савдомиз тўғри келган харидорга сотиб юборамиз.

– Парваришлаш, дорилаш ишларини қандай қиласиз?

– Албатта, буларсиз яхши анор ейиш қийин. Керагида сувини, керагида дорисини берамиз, ортиқча ўсган шохларини олиб ташлаймиз, яна қандай зарурий ишлар бўлса, ўз вақтида кучимиз етганича қиламиз. Кучимиз етмай қолган вақтларда ёрдамчи куч ёллаймиз.

# БОҒБОН ШЕРАЛИ АКА

**Олтинсой туманидаги Яккатут маҳалласида истиқомат қилувчи Шерали Каримов оиласи ҳам кўп йиллардан бери узумчилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб келади. Аввал улар “Гулсора-Дилфуза” фермер хўжалигини тузиб, 4 гектар ерда узум етиштириб келишган бўлса, ўтган йили ҳукуматимизнинг тадбири билан йириклаштириш ўтказилгач, улар янги ташкил қилинган фермер хўжалиги таркибига кирган ҳолда ўша 4 гектар ердаги узумларига янги тузилманинг ижарачи-ишчиси сифатида ишлов беришмоқда.**



Шерали ака ўзи яшаётган ҳовлисининг томорқасида ҳам боғ ташкил қилган. Унда салкам 3 сотих жойда лимонзор, қолган жойларда, узум, анор, олма, ёнғоқ каби бир қанча мевали дарахтлар бор.

Мана шу қилаётган касб-корларининг шарофатидан улар оила ҳамда рўзғорларини тебратишади, уч нафар фарзандлари – икки ўғил, бир қизни тарбиялаб, уйли-жойли қилишди, жорий йилнинг бошида Шерали ака янгамиз билан улуғ умра зиёратига бориб келишди.

– Шерали ака, учала фарзандингиз ҳам ўз оилалари билан пойтахтда яшаса, сизлар янга билан иккалангиз кенг уйда келин-куёвлардай яшаётган экансизларда?! Уй ишлари, боғ ишлари, дала ишлари, мол-ҳол ташвишлари сизларни қийнаб қўймаяптими?

– Йўқ, қийналмаймиз. Баъзан зарур бўлганда, у-бу ишларда ёрдамга келиб турадиганларимиз бор, Худога шукр. Энди, болаларимиз шаҳарга ўрганди. Майли-да, қаерда бўлишса ҳам, омон бўлишсин, тез-тез келиб туришади. Ўғилларим “Ота, молларни сақлаш қийин бўлиб қолди, ҳаммасини сотиб юборинг”, дейишди. Мен уларга “Болам, ҳажга кетиш учун рўйхатда турибмиз-ку, молларни сотиб юборсам-у, агар навбатимиз келиб қолса, “Мана!” деб, бирданига олтмиш-етмиш миллион сўм пул беролаасиларми?!”, десам, жим бўлишди. Ҳаётимиз шу, керагида меҳнат қиламиз, керагида роҳатини кўрамиз. Аллоҳ таоло ҳалолидан, беминнатидан айирмасин!

***Сўнгсўз:* *Сурхондарёлик бу икки оилага, улар тимсолида ўз аравасини ўзи тортиб, ҳеч кимга оғирини туширмайдиган, ҳалол ризқ умидида ҳаракат қиладиган барча юртдошларимизга Яратган Парвардигордан омаду муваффақиятлар ато этишини сўраймиз!***

**Бахтиёр ЭСОНОВ.**

# ЕТМАК – НОЁБ ЎСИМЛИК

**Етмак Acanthophyllum авлодига ва Caryophyllaceal – Чиннигулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, Ўзбекистонда унинг 11 тури учрайди. Бу турларнинг ҳаммаси сапонин сақловчи бўлиб, улардан 2 тури: A gypsophiloides Rgl. ва A paniculatum Rgl. сапонинни миқдор жиҳатдан кўп сақлагани учун халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.**

Етмак пояси бир нечта, тик ўсувчи, туксиз, оқиш ёки қизғиш рангли бўлиб, бўйи ўртача 80 см. га етади, узун, лекин унча йўғон бўлмаган шохлардан иборат. Илдизи ер остида тик жойлашган бўлиб, ўсимликнинг бўйи экологик шароитга қараб 6 м. гача етади. Барги чизиқсимон ёки тор ланцетсимон, пояда бандсиз қарама-қарши жойлашган. Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси июль-август ойларида етилади ва у шарсимон кўсакча бўлади. Етмак Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги тошлоқларда, шағалли ва қуруқ қияларда, қуриб қолган дарёларнининг ўзанларида, бўш қолган ерларда ва баъзан чўлларда ўсади.

Ўзбекистонда етмакнинг табиий захиралари ниҳоятда камайиб кетган. Республикамизда бу ўсимликни табиий захираларидан фойдаланиш ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган бўлиб, йилига 90–120 т хомашё тайёрланар эди. Ҳозирги вақтда бу ўсимлик "Ўзбекистон қизил китобига" киритилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, етмакнинг биологик хусусиятларини ўрганиб, унинг экин майдонларини, агротехник усулларини ўрганиб, ундан юқори ҳосил олиш йўлларини аниқлаб, юртимизнинг табиий суғориладиган лалми ерларида кенг плантациялар ташкил қилиниб, унинг хомашёсига ва ундан тайёрланадиган товарларга ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктураси ўрганилиб, бу маҳсулотларни экспорт потенциали йўлга қўйилса, Ўзбекистон иқтисодиёти учун катта валюта келтириши мумкин.

Етмакнинг биологик хусусиятларини ўрганишда уни лаборатория шароитида 100 дона уруғини чашка Петрида 3 такрорли қилиб экилди. Уруғларнинг унувчанлиги 86% бўлди. Октябрнинг III декадасида экилган уруғларни унувчанлиги келгуси йил март ойининг охирида униб чиқа бошлади ва апрель ойининг ўрталарида (14–18.IV) ўртача 36,3% уруғ униб чиққанлиги қайд этилди. Кузда экилган уруғлар эрта баҳоргача уруғ терилгандан кейинги тиним даврини ўтиб, февраль-март ойларида ерни намгарчилиги ва ҳаво ҳароратини мўътадил кўтарилиши туфайли уруғлар таркибидаги муртак қисмида ўсиш бошланади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, етмакнинг ер устки қисми биринчи вегетация даврида секин ўсиши кузатилди ва ноябрь ойида совуқ кунлар бошланиши билан у қуриди. Вегетеция даврида унинг бўйи ўртача 13 см ўсганлиги (9–17 см) қайд этилди. Бир йиллик ўсимликларининг илдизи 17–29 см узунликда бўлиб, 11 г. дан 46 г. гача, ўртача 28,5 г. ни ташкил этди. Бир йиллик ўсимликлар 36 та орасида 7 та ўсимлик гуллаб кичик мевалар ҳосил қилди. Етмак уруғи март ойининг охирида ўртача 100 дона 3 қайтарилишда экилиб 1–7 тагача уруғлар униб чиқди, уларнинг баъзилари 3 та ўсимлик вегетация даврини ўтказди, лекин улар гуллашга улгурмади.

Етмакни вегетация тугагандан кейин ноябрь ойидан 15 февралгача йиғиш вақти белгиланади. Белгиланган жойдан бор ўсимликларни 50–55% илдизлари кавлаб олиниб, 45-50% қайта кўпайиш учун қолдирилади. 5–7 йилдан сўнггина бу ердан қайта маҳсулот тайёрлаш мумкин. Етмак ўсимлигининг илдизи мазкур майдондаги ўсимликларнинг турлари, тарқалиши, миқдорига қараб, илдизи белкурак, кетмон, кирка, агар ўсимликлар кўп бўлса трактор билан ковлаб олинади. Халқ хўжалигида етмакнинг тозаланмаган илдизи ҳамда пробка қисмидан тозаланган илдизи ишлатилади.



Тозаланмаган илдиз, ковлаб олинган илдизни ғарам қилиб, шахмат усулида тахлаб, орасидан тўрт томонидан шамол ўтиб турадиган қилиб, устини қамиш билан ёпиб қўйилади. Илдизлар тез қуришини таъминлаш учун қайта-қайта ғарам қилинади ва айни вақтда илдизларни бир-бирига уриб, тупроқлардан тозаланилади. Қуриган илдизларни пресслаб, тойланади, сўнгра сим билан боғлаб, сақлагич омборларига жўнатилади. Калта, ингичка, қийшиқ, кавлаётганда синган илдизлар ажратиб олиб, очиқ ҳавода қуритилади. Бу иккинчи навли хомашё маҳсулоти ҳисобланади. Алоҳида ажратиб оолинган йўғон ва вертикал илдизлар бир неча кун салқин жойда сўлитилади, пробкалари бўлса тозаланилади ва очиқ ҳавода қуритилади. Қуриган илдиз синчиклаб қайта кўздан кечирилади. Бундай илдизлар қайта тозаланган илдиз деб аталади. Бундай маҳсулотни устки томони оч сарғиш бўлиб, юқори баҳоланади.

Тайёр маҳсулот тозаланган ва тозаланмаган илдизлардан иборат. Илдиз бўлаклари ҳар хил узунликда, цилиндрсимон, йўғонлиги 4,0–4,5 мм ва ундан ошиқ бўлади. Тозаланмаган илдизларнинг устки томони бир оз буришган, тозаланган илдизларнинг устки томони эса оч сарғишдан, сарғишроқ рангда бўлади. Маҳсулотнинг ичи оқ, бир оз сарғиш рангли ва сертолали. Маҳсулот ҳидсиз бўлиб, қисман тахир буриштирувчи мазага эга.

Тайёр маҳсулотнинг намлиги 14 фоиздан ошмаслиги лозим. Тозаланмаган маҳсулот учун кул 8%, 10 фоизли хлорид кислотада эримайдиган кули 2,5% органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 1% ошмаслиги лозим. Тозаланган маҳсулот учун умумий кул 6%, 10 фоизли хлорид кислотада эримайдиган кул 1 фоиздан, пробка қисмидан яхши тозаланмаган илдизлар 1,5%, синдириб кўрилганда ичи оқ, бир оз сарғиш рангли илдизлар 15%, органик аралашмалар 0,5%, минерал аралашмалар 0,5 фоиздан ошиқ бўлмаслиги керак. Қирқилган, тозаланмаган маҳсулот учун синдириб кўрилганда оқ сарғиш рангли қисмлар 4%, 10 мм. дан ошиқ бўлган бўлакчалар 5%, тешигини диаметри 0,5%, органик аралашмалар 1 фоиздан, минерал аралашмалар 0,5 фоиздан ошиқ бўлмаслиги лозим.

Қирқилган тозаланган маҳсулот учун: устки томонибироз қўнғирроқ оқ рангга айланган бўлакчалар 15%, пробка қисмидан яхши тозаланмаган бўлакчалар 3%, 6 мм. дан катта бўлмаган бўлакчалар 10% тешикнинг диаметри 1 мм. ли элакдан ўтадиган қисмлар 2 фоиздан ошиқ бўлмаслиги лозим.

Етмак илдизида 22,5–30,0% тритерпен сапонинларнинг гемолитик индекси 1:5000 ва бошқа органик ва анорганик моддалар учрайди. Сапонинлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, бошқа гликозидлар сингари ўсимликларнинг ер остки органлари тўқималаридаги ҳужайра ширасида эриган ҳолда учрайди. Сапонинларнинг сувдаги эритмаси чайқатилганда турғун кўпик ҳосил қилади (лотинча sapo – совун сўзидан олинган). Сапонинлар ферментлар ёки суюлтирилган кислоталар таъсирида гидролизланиб, моносахаридлар аралашмасига ҳамда агликон-сапогенинларга парчаланади. Сапонинлар оқ рангли аморф бирикма, сапогенинлар эса кристал модда. Улар сувда, суюлтирилган этил (60–70%) ва метил спиртларда яхши эрийди. 90 фоизли этил спиртида эса фақат қайнатилгандагина эриб, совутилганида қайта чўкади. Сапонинлар эфир, хлороформ ва бошқа органик эритувчиларда эримайди. Уларнинг агликонлари – сапогенинлар, аксинча турли органик эритувчиларда яхши эрийди. Сапонинлар феноллар ва стероид спиртлар билан молекуляр бирикма беради. Ҳосил бўлган бирикмалар сувда ва спиртда ёмон эригани сабабли, сапонинларни ўсимликдан ажра-

тиб олишда ва улар миқдорини аниқлашда шу реакциялардан фойдаланилади. Стероид спиртларга кирадиган холестерин миқдорини аниқлаш усуллари ҳам унинг сапонинлар билан эримайдиган молекуляр бирикма ҳосил қилишга асосланган. Сапонинлар холестерин билан бирикканда биологик фаоллигини йўқотади. Сапонинлар фаол биологик бирикмадир. Таркибида сапонин бўлган ўсимликлар порошогининг чанги бурун ва томоқнинг шиллиқ қаватларини қичиштириб, йўталтиради ҳамда аксиртиради. Улар истеъмол қилинганда ички секреция безларининг суюқлик ажратиш қобилияти кучаяди. Қон эритроцитларини эритиш (гемолиз қилиш) сапонинларнинг энг муҳим ва ўзига хос хусусиятларидан биридир. Шунинг учун сапонин эритмасини венага юбориш мумкин эмас. Акс ҳолда эритроцитларни эритиб юбориши мумкин (гемолитик заҳар). Истеъмол қилинган баъзи сапонинлар кучли заҳар сифатида таъсир қилиши мумкин. Заҳарли сапонинлар сапотоксинлар деб аталади.

Сапонинлар инсон организмидаги безларнинг суюқлик ажратиш қобилиятини кучайтиради, сўлак ва тер ажралишини оширади. Шунинг учун сапонинлар сақловчи маҳсулотлар тиббиётда балғам кўчирувчи ва сийдик ҳайдовчи ҳамда тинчлантирувчи, организм тонусини кўзғатувчи восита сифатида ва бошқа касалликларда ишлатилади. Стероид сапонинлардан стероидгармонлар синтез қилишда арзон маҳсулот сифатида фойдаланилади. Тоза сапонин баъзи бруцеллез ва куйдиргига қарши ишлатиладиган вакциналарни тайёрлашда ҳам қўлланилади. Сапонинлар озиқ-овқат саноатида нишолда, ҳолва, лимонад каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, ўт ўчиришда, металлургия саноатида, енгил саноатда нафис газламаларни ювишда ва бошқа саноат тармоқларида кенг қўлланилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Етмак ўсимлигини Ўзбекистонда табиий суғориладиган тоғолди ва адир зоналарида экин майдонларини ташкил этиш ҳамда яқин келажакда бу хомашё асосида тайёрланадиган озиқ-овқат ва дори воситаларини импорт қилинадиган товарларни Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш ва экспорт потенциали оширилса, Республика иқтисодиётига катта фойда келтириши мумкин.

Ўзбекистонда етмакнинг хомашё базаси яратилса уни асосида бир қанча йўналишдаги дори воситаларининг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг функционал ассортиментлари яратилиши мумкин ва бу тадбирий чоралар республикамизда фармацевтика, озиқ-овқат, металлургия ва бошқа саноатларни ривожлантиришга ва уларни экспорт потенционалини оширишга катта имконият яратилади.

**С.САЛИХОВ,** *б.ф.д., профессор,*
**С.ШАРИПОВ,** *т.ф.н., доцент (ТошДАУ).*

**АДАБИЁТЛАР**


1. *Камбулин Н.А. Распространение сапониносодержащих растений во флоре Средней Азии. Сб. научных сотрудников Таш. Гос. мед. ин-та. – Ташкент, 1962. – С. 36–42.*
2. *Сагатов С.С. Сапониностные растения Узбекистана. – Ташкент: “Фан”, 1966. – С. 18–22.*
3. *Халматов Х.Х., Касимов А.И. Доривор ўсимликлар. – Тошкент, 1999. – Б. 74–75.*
4. *Флора Узбекистана. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1953. - Том II.*
5. *Шретер А.И. и др. Предварительные итоги поисков сапониносодержащих растений во флоре СССР // “Растительные ресурсы”. – Москва, 1966. - Т. II, вып. 1. – С. 18-24.*
6. *Мотхин И.Н. Туркестанский мыльный корень. – Ташкент: “Фан”, 1963. – С. 8–10.*


УЎТ: 633.511:631.531

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

# РАЙОНЛАШГАН С-8290 ҒЎЗА НАВИ

Бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, серҳосил, тола сифати юқори, турли касалликларга бардошли навларни яратиш, навдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, пахтачилик соҳасида олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар асосида амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар ғўзанинг тезпишар, ҳосилдор, юқори тола чиқими ва сифатига эга, касалликларга бардошли, тупроқ-иқлим шароитларига мос янги навлар яратилиши натижасида пахта ҳосилдорлигини оширишга эришилмоқда.

Шундай навлардан бири бўлган ғўзанинг ўрта толали тезпишар С-8290 нави собиқ Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида (ҳозирги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти) трансгрессив селекция услубидан фойдаланиб (Л-75 х Л-158) х С-6530 дурагай комбинациясидан олинган ўсимликлар авлодларида кўп маротаба якка танлов ўтказиш йўли билан яратилган. Нав Давлат нав синовига 2009 йилда топширилган. Нав муаллифлари (Р.Г.Ким, А.Б.Амантурдиев, Я.А.Бабаев, М.С.Мирахмедов ва бошқалар).

С-8290 ғўза нави 2013 йилдан Фарғона вилояти бўйича истиқболли деб топилган. 2017 йилда навнинг экин майдонлари 8,9 минг гектар, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2018 йил ҳосили учун 16400 гектар майдонга экилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 2018 йил 24 декабрдаги 40-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғига асосан С-8290 нави 2019 йилдан Фарғона вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилди. Тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори С-8290 ғўза навига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№ NAP 00107).

С-8290 ғўза навининг морфо-хўжалик тавсифлари. Ўсув даври 115-120 кун. Тупи конуссимон шаклда, ўсимлик баландлиги 90-100 см, ҳосил шохлари 1-тип, пояси яшил рангда. Биринчи ҳосил шохи 5-6-бўғинда жойлашган, 1-2 та моноподиал шохга эга. Барглари ўртача катталикда, 3-5 бўлакли, яшил рангда, тукланган. Кўсаги йирик (6.0-6.5 г.), думалоқ шаклда, тумшуқчали, 4-5 чаноқли. Чигити йирик, кулранг, 1000 дона чигит вазни 125-130 г. Тола чиқими 36,5-37,0%, тола узунлиги 33,0-33,5 мм, тола пишиқлиги 4,4-4,6 г.с., тола майинлиги 5800-6000, нисбий узилиш кучи 26,5-27,5 г.с./текс, тола сифати V тип, микронейри 4,6-4,7. Оптимал агротехника шароитларида “С-8290” ғўза нави 42,0-43,0 ц/га ҳосил беради.

2012-2018 йиллар давомида ғўзанинг “С-8290” нави Фарғона вилоятида жами 30 минг гектардан ортиқ майдонда экилган. 2017 ҳосил йилида етиштирилган ҳосилдан олинган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

**Фарғона вилоятида етиштирилган С-8290 ғўза навининг иқтисодий самарадорлиги, (2017 йил)**

| Саноат нави | Пахта хомашёсининг саноат навлари бўйича нархи | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | “Наманган-77” ғўза нави | | | С-8290 ғўза нави | | |
| | Жамғарилган ҳосил, минг, т | 1 т пахта хомашёси харид нархи, сўм | Пахта хомашёсининг жами нархи, минг сўм | Жамғарилган ҳосил, минг, т | 1 т пахта хомашёси харид нархи, сўм | Пахта хомашёсининг жами нархи, минг сўм |
| 1 | 40677 | 1875962 | 76308492,7 | 21289 | 1875962 | 39 937 347,9 |
| 2 | 6255 | 1718435 | 10748810,9 | 2195 | 1718435 | 3 771 964,8 |
| 3 | 9578 | 1373502 | 13155399,0 | 2971 | 1373502 | 4 080 673,5 |
| 4 | 6788 | 963617 | 6541029,9 | 2087 | 963617 | 2 011 068,0 |
| 5 | 5203 | 506190 | 5013697,5 | 2438 | 506190 | 1 234 091,2 |
| Жами | 68502 | - | 111767430 | 30980 | - | 51 035 145,4 |
| 1 га даги нарх | | | | | | |
| ц/га | 22,3 | 1631617 | 3638506 | 33,2 | 1647358 | 5469229 |
| Иқтисодий самарадорлик<br>1 га учун: 5469229 - 3638506 = 1830723 сўм<br>Умум. майд.нисбатан: 1830723 x 9325 = 17071491975 сўм 9325 – экилган майдон, га<br>Фан улуши, 40% = 6828596790 сўм. | | | | | | |

2 декабрдаги “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёсини етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 1037-сонли қарорига мувофиқ, 2019 йил ҳосили учун ушбу нав Фарғона вилоятида 31,5 минг гектар майдонга экилди.

С-8290 ғўза нави тезпишарлиги ва кўсаклар очилиш суръати юқори бўлганлиги сабабли юқори сифатли ҳосилни эрта териб олиш ва кузги бошоқли дон экинларини ўз муддатида кечиктирмай экиш имкониятини бериши, ҳар иккала экиндан иқтисодий манфаатдорликка эга бўлишни таъминлаши фермер хўжаликларига жуда қўл келмоқда.

**А.АМАНТУРДИЕВ,**
*қ.х.ф.д.,*
**М.МИРАХМЕДОВ,**
*б.ф.н.,*
**Я.БАБАЕВ,** *қ.х.ф.н.,*
**К.МИРЗОЁҚУБОВ,**
*мустақил тадқиқотчи,*
**Б.НОРОВ,**
*таянч докторант,*
*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ.*

## ЯНГИ НАШРЛАР

# ДАВР ТАЛАБИГА МОНАНД ДАРСЛИК

Иқтисодиётда кузатилаётган жадал ўзгаришлар, вужудга келган сув танқислиги шароитида улардан фойдаланишни режалаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, ҳудуднинг экологик-мелиоратив ҳолатини яқин ва узоқ келажакда барқарорлигини таъминлашда мумтоз, замонавий, илғор технологик ечим, агромелиоратив, агротехник тадбирларнинг назарий ва амалий асосларини яхши биладиган, кенг ишлаб чиқариш амалиётида қўллашга қодир етук мутахассислар тайёрлаш ўта муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолар туркумига киради. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш доирасида қ.х.ф.д., профессор О.Рамазонов ва қ.х.ф.н., доцент С.Буриевлар томонидан тайёрланган “Тупроқшунослик ва деҳқончилик” (ўзбек ва рус тилида) дарслиги замонавий ўқув-услубий китоблар туркумига киради.

*науч. исслед.,*
**Н.МАХСУТАЛИЕВ,**
*студент,*
*ФерГУ.*

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. *Зокирова С., Холматова Ш., Бойназарова Н., Ирматова М. Генезис песков Ферганской долины // Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар. –Т.: 2008. 342-344 бет.*

2. *Мирзажанов К.М. Лик центральной Ферганы в прежнее и настоящее время .– Т., 2014 г. 159-173 стр.*

---

**УЎТ: 631.35-085.54**

# АРАЛАШМАЛИ СИЛОС ТАЙЁРЛАШ

Силос – қишки мавсумда асосий озиқалардан бири ҳисобланади ва ҳамиша хўжаликларда тайёрланади. Силос учун тайёрланадиган ўсимликлардан – маккажўхори, рапс, соя, суданка, кунгабоқар ва бошқалар. Бу ўсимликлардан тайёрланган силос ҳайвонларни рационига қўшиб берилади ва протеин, энергетик қиймати юқорироқдир. Бу озиқалар яхши ейилади, яхши ҳазм бўлади, агарда тўғри технологиялари билан тайёрланса, хўжаликда тўла кийматли озиқалар билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларини таъминлайди.

Ҳайвонларнинг озуқасида асосий элемент оқсил ҳисобланади. Унинг етишмовчилиги рационда концентрат, оқсилли қўшимчалар, кунжара ва шрот ҳисобида тўлдирилади. Зоотехникавий нормаси бўйича 50–70% протеин макка ва кунгабоқар силоси ташкил этади. Протеинли озиқада кам бўлиши қон таркибида гемоглобинни камайиши, ферментларнинг ташкил бўлиши бузилиши, шунингдек, жигар ва бошқа органларнинг бузилишига олиб келади. Азот баланси камая-ди, оқсилларни қондаги, жигардаги, теридаги, мускулларда 2–3 марта камаяди.

Маккажўхори соя билан аралаштириб силос тайёрланганда таркибидаги протеин 44,6–91,0% кўпаяди, маккажўхорига қараганда.

Ёғ моддалар энергетик алмашувида специфик муҳим роль ўйнайди. Ёғ билан ҳайвон организмига алмашмайдиган органик кислоталар киради. Ёғ парчаланганда организмга иссиклик энергия манбаси бўлиб ҳисобланади. Агар организмга ёғ етишмаса ёғ ва липид алмашувлари бузилади, натижада авитаминоз, тери касалликлар келиб чиқади. Агар маккажўхори ва соя биргаликда силос тайёрланса таркибидаги ёғни 1,7–2,1% мартагача оширади.

Судан ўтида тайёрланган силос ва уни рапс билан аралаштириб бойитилса, таркибидаги қуруқ моддаги протеин 1,66–2,31 марта бойиди. Судан ўтида қуруқ модда концентрацияси 33,8%, судан ўтининг ғамлаш билан тайёрланган силосда 29,88%. Ёғ таркибида судан ва рапс билан тайёрланган силосда бирмунча юқори бўлади.

Силосни органолептик баҳолашда озуқада, яъни узилган меванинг ҳиди келади, ранги сарғиш-кўкимтир, кон-систенсияси ёпишқоқ эмас, ўсимликнинг ранги бузилмаган.

Биохимик таркибида ўтказилганда силослар юқори сифатга эга бўлганлар, водород ионлари концентрациясини нормада бўлиши бу кўрсаткич силосни сут кислоталилиги муҳитга эга эканлигини кўрсатади. Кислотали pH 3,93–4,45 бўлиши озиқада, шуни кўрсатади муҳит кучсиз кислотали.

Органик кислоталарни таркибида сут кислотасининг кўпроқ бўлиши, шуни кўрсатадики, силосда бижғиш жараёни яхши ўтган. Бунинг учун яхши шароит бўлиши керак. Маккажўхори, соя, рапс, судан ўти гибридларини танлаб олиш, ўсимликларни аралаштириб фоизи, майдаланиш, тайёрланган вақти, ҳар хил моддалар билан ифлосланмаганлиги, яхши зичланганлиги, герметизация қилинганлиги бўлиши керак.

Зубрилин маълумотига кўра (1947), бижғиш жараёнида сут кислоталарининг гомоферматив гуруҳи иштирок этса, буларнинг силос таркибидаги углеводни 86–90% сут кислотасига айлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, тайёрланган силос ҳар хил ўсимликларни аралашмасидан маккажўхори, соя, рапс, судан ўти ва бошқа ўсимликлар оқсил кўрсаткичининг рационда кўпайишини таъминлайди. Бу аралашмани фермер хўжаликларига ер майдонларини кўпайтириш, силос конвейнерини тайёрлашга тавсия этиш мумкин.

**Д.РАХМАНОВ,**
*докторант, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,*
**З.АХМЕДОВА,**
*б.ф.д., профессор,*
**Т.ШОНАХУНОВ,**
*докторант, Микробиология илмий-тадқиқот институти.*

## СОҒИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Реклама

SEZER Sağım Teknolojileri

### Сут-товар фермалари учун чорвачилик ускуналари.

Йирик шохли ҳайвонлар учун сут соғиш заллари.








Майда шохли ҳайвонлар учун сут соғиш заллари.





- Молхоналарни лойиҳалаш ва технологик ечими;
- Рухланган ёток ва овқатланиш темирлари;
- Резина тўшама ва матраслар;
- Қашиниш чўткалари;
- Вентиляторлар;
- Иситиладиган сув идишлари;
- Туёққа ишлов бериш ускуналари;
- Гўнгни чиқариб ташлаш тизимлари.



Мобиль сут соғиш ускуналари




Иситиладиган сув идишлари




Бузоқларга озуқа тайёрлаш сут таксиси






Туёққа ишлов бериш ускунаси

Тошкент ш., Аҳмад Дониш кўчаси 22.

тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55; +998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz www.chorvador.uz

# ПРИМЕНЕНИЕ ИМПОРТОЗАМЕНЯЮЩИХ БЕЛКОВЫХ ДОБАВОК МЕСТНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ В ТЕХНОЛОГИИ ПЕРЕРАБОТКИ ЖИВОТНОГО СЫРЬЯ

**Production of food products in our country is being produced with the use of protein-rich nutritional supplements imported into our country. Establishment and use of food additives from import-substituting protein-based plants in the production of foodstuffs has practical and social importance. These products are full of amino acids and vitamins, but have a unique taste, a microelement and are very useful for human organisms.**

Включение белковых добавок из сои в продукты из животного сырья открывает безопасный немедикаментозный путь регулирования функций отдельных систем организма, позволяет максимально удовлетворить физиологические потребности в пищевых веществах людей, страдающих различными заболеваниями, а также ускорит выведение из организма продуктов обмена веществ.

Разработка новых видов экологически чистых пищевых добавок из сои местного сорта в основном даст возможность рационально и эффективно использовать основное сырьё и получать при этом продукцию с высокими органолептическими показателями. В связи с необходимостью увеличения производства продуктов питания, улучшения рациона питания людей и его обогащения разнообразными овощами, сохранения экологии и улучшения плодородия почвы, а также использования повторных культур и улучшения кормовой базы, овощная соя является перспективной культурой. Значимость овощной сои ещё более возрастает как источника сырья для перерабатывающей промышленности.

Использование соевых бобов осуществляется по нескольким направлениям, среди которых выделены следующие линии:

Соевые протеины производят из сырых бобов с применением технологии многоступенчатой обработки, позволяющей удалить не перевариваемые компоненты и сконцентрировать протеин. От типа обработки зависит вид конечного продукта.

При производстве мясных изделий практически все производители переработки животного сырья применяют растительные и животные белки в целях улучшения органолептических показателей и снижения себестоимости выпускаемой продукции.

*Таблица 1*

**Основные показатели белковой добавки**

| Показатель | Значение |
|---|---|
| Цвет | Белый, с кремовым оттенком |
| Белок | 18 % |
| Влага | 6,0 % |
| Углеводы | 50,0 % |
| pH | 6,2-6,5 |

Соевые белковые продукты, имея соответствующую физическую форму и состав, а также функционально-технологические свойства, при определенных условиях не в полной мере обеспечивают гармоничного сочетания с мясным сырьем по органолептическим, биохимическим, реологическим свойствам, а также экономическим показателям.

Целью данной работы является изучение свойств и характеристик сои, как сырья для производства мясных продуктов поликомпонентного состава.

Одним из перспективных направлений в создании продуктов питания является разработка, проектирование и производство продуктов поликомпонентного состава, сочетающих в себе сбалансированный комплекс необходимых организму пищевых веществ.

В производстве мясных изделий поликомпонентного состава чаще используют изолированные и концентрированные соевые белки, а также их текстураты. Это вещество на основе сои добавляют в продукцию на этапе изготовления фарша.

К ассортименту мясных продуктов с использованием соевых белков относят: все виды колбас, консервы с длительным сроком хранения (стерилизованные) и ограниченным сроком хранения (пастеризованные), продукты из размельченного оформленного мяса (полуфабрикаты), готовые блюда, копчености. Также другие виды продуктов характерные для промышленной подготовки пищи, в которых используется мясо (мясной хлеб, пицца, подливки из мяса и др.).

Известно, что производство соевых продуктов дешевле мясного белка, препараты являются сухими, легкими, компактными, стойкими при хранении, не требуют значительных затрат на транспортировку, реализация их в традиционной технологии не требует специального оборудования и капитальных вложений. Кроме того, высвобождение высококачественного мясного сырья и увеличение выхода готовой продукции также обеспечивают высокую рентабельность производства.

Одной из главных функций белковой добавки является раскрытие нефункционирующих активных групп белков мяса с различными пороками и придание ему характерных для свежего мяса органолептических показателей. Входящие в состав добавки молочные и сывороточные белки сами по себе имеют высокую биологическую ценность. Помимо усиления активности мясных белков они улучшают структуру колбас и стабилизируют мясную эмульсию. Основные показатели белковой добавки представлены в таблице 1.

На основании теоретического анализа и комплекса физико-химических и технологических исследований определена возможность осаждения соевого белка ЭВР и реализована в производственных условиях усовершенствованная технология получения соевого белкового концентрата с применением электроактивации.

Установлены оптимальные параметры получения ЭВР (U=30 В; J= 6 А; τ=10 мин) для осаждения соевого белка в ИЭТ и с помощью методов математического моделирования оптимизирован процесс его осаждения (pH ЭВР 1,76-1,78 и гидромодуль СОМ:ЭВР 1:9) для наибольшего содержания белка в концентрате (73,5 %).

Разработана техническая документация: технический регламент на соевый белковый концентрат для применения в переработке животного сырья, опытно-промышленная апробация которых проведена на предприятии ООО "Tash Food Standart".

**А.ФАТХУЛЛАЕВ,**
*доцент, кандидат технических наук,*
**Ш.УМИДОВ,**
*старший преподаватель,*
**Ж.ПАРДАЕВ,**
*ассистент,*
**О.ВЕРУШКИНА,**
*ассистент,*
**А.ФАТХУЛЛАЕВ,**
*магистр,*
**С.ИБРАГИМОВА,**
*ассистент,*
*Ташкентский Государственный аграрный университет,*
*Ташкентский химико-технологический институт.*

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. Антипова Л.В., Глотова И.А. Использование вторичного коллагенсодержащего сырья мясной промышленности. Спб: Гиорд, 2006. - С 384.
2. Лисицын А.Б., Липатов Н.Н., Кудряшов Л.С., Алексахина В.А. Производство мясной продукции на основе биотехнологии. Под общей редакцией Россельхозакадемии, Липатова Н.Н. - М.: ВНИИМП, 2005.- С. 369.
3. Голубев В.Н., Чичева-Филатова Л.В., Шленская Т.В. Пищевые и биологические активные добавки. – М.: Академия, 2003. – С. 208.
4. Рогов И.А. Технология мяса и мясопродуктов. Учебник для вузов.- М.: Колос, 2009.- С. 356.
5. Фатхуллаев А., Султанов Ш.Ж. Биохимия мяса. Учебник. – Ташкент, «Иқтисод-молия», 2015.- С. 357.
6. Турабджанов С.М., Фатхуллаев А., Хуснидинов А.М., Фатхуллаев А.А.
7. Структурно-механические и сорбционные свойства нерастворимых пищевых волокон используемых в мясных продуктах. // НУУз, "Вестник", Ташкент, 2015. – С. 67-75.

# ЭЗГУЛИККА БАҒИШЛАНГАН УМР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ (ҲОЗИРГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ)ГА КЎП ЙИЛЛАР РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ЭРКИН ШАЙХОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР**

**Шундай инсонлар бўладики, улар бу оламни тарк этганларидан сўнг ҳам ўзларининг намунали умрлари, қилган хайрли ишлари, қолдирган мерослари туфайли тириклар орасида яшайди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби”, академик Эркин Турдиевич Шайхов шундай инсонлардан эди.**



Эркин Шайхов 1927 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1942–1944 йилларда шаҳардаги ҳарбий заводда моделчи бўлиб ишлади. 1944 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кириб, уни 1948 йилда тамомлагач институтда ёшлар етакчиси этиб сайланди. 1948 йилдан 1951 йилгача Ўзбекистон Ёшлар қўмитаси бўлими мудири, 1951–1954 йилларда Тошкент вилояти Ёшлар қўмитаси биринчи котиби лавозимларида ишлади. 1955 йилда у Бўка тумани партия қўмитаси биринчи котиби этиб тайинланди. Ёш раҳбар мактаб-маориф соҳасига катта эътибор қаратди. Мактаб биноларини таъмирлаш, ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш, боғчалар фаолиятини такомиллаштиришга бош-қош бўлди. Натижада мактабларнинг моддий-техник базаси, ўқув-тарбия ишлари яхшиланди. Мутахассислиги қишлоқ хўжалиги агрономи бўлган раҳбар, аграр соҳада ўзини кўрсатди. Оқибатда, Эркин Шайхов раҳбарлик қилган беш йилда Бўка тумани йиллик пахта режасини бажариш бўйича фақат илғорлар қаторида бўлди.

У 1959–1962 йилларда Тошкент вилоят партия қўмитаси котиби, 1962–1971 йилларда халқ депутатлари Тошкент вилояти Ижроия қўмитаси раиси, 1971–1975 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири лавозимларида ишлаб, халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозонади.

Эркин Турдиевич ушбу лавозимларда ўзининг ташкилотчилик фазилатларини намоён этган бўлса, 1975 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институти (1991 йилдан Тошкент давлат аграр университети) ректори этиб тайинланиши унинг, янги, яъни тадқиқотчи-олим, педагог, илмий раҳбар сифатидаги қирраларини очиб берди.

Домла ректорлик қилган даврда хорижий давлатлардан келган талабаларга катта эътибор қаратилган. Айнан шу даврда университет томонидан Европа, Осиё, Лотин Америкасининг 71 мамлакати учун 1039 нафар мутахассис тайёрланган. БМТнинг иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги статистикаси ихтисослиги бўйича малака курсида 75 мамлакатдан 615 нафар киши ўз малакасини оширган.

Э. Шайховнинг илмий-педагогик фаолияти мустақиллик йилларида янада кенг қанот ёзди. У Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби сифатида эътироф ва эътиборга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида мамлакатда қонунчилик асослари яратилишига муносиб ҳисса қўшди.

Унинг ректорлик даврида амалга оширилган ишларини ҳали-ҳануз талаба-ёшлар, ўқитувчи-профессорлар, туман, вилоят, республика даражасидаги раҳбар ва оддий фуқаролар ҳурмат билан тилга оладилар.

Ўша йилларда халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаган Носир ака Тоиров бундай эслайди:

– Эркин Турдиевич Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлиги билан бир вақтда халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашининг ҳам депутати эди. У бошқа депутатлар орасида ўзининг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан ажралиб турарди. Эркин ака халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида шунчаки иштирок этибгина қолмай, балки долзарб масалалар, муаммоларни ўртага ташлар, муҳокамада ўзи ҳам фаол қатнашар, уларнинг ечимини топишга қаратилган қарорлар қабул қилинишига ва уларнинг ижроси назоратга олинишига эришар эди. Бир вақтнинг ўзида у Тошкент давлат аграр университети ректори сифатида мазкур ўқув юрти профессор-ўқитувчиларини туман ёшлари ўртасида маърифий-маданий ишлар олиб боришга жалб этарди. Бу албатта ёшларнинг илмга, қишлоқ хўжалик соҳасига қизиқишини ортирар, уларнинг баркамол бўлиб етишишларига хизмат қиларди.

Ўзбекистон енгил саноати ривожига катта ҳисса қўшган, бугунги кунда нафақада умргуразонлик қилаётган Саидкамол ота Мақсудов бундай дейдилар: “Мен Эркин Шайховни 1950 йили бизнинг авлодга куёв бўлиб келган даврлардан биламан. Эркин Турдиевич турли вақтларда турли лавозимларда ишлади. Аммо масала ва муаммоларни ҳал этишда тўғри ечимини топиб, самарали ва оқилона фаолият олиб борди. У умр бўйи оиласи ва давлат олдида жавобгарликни ҳис этиб яшади. Ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан, одамларни доимо тўғри ва ҳалол ишлашга, Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этган улуғ инсон эди. Академик олим кўплаб шогирдлар етиштирди ва уларга садоқат билан ишлашни ўргатди”.

Эркин аканинг раҳбарлигида кўп йиллар бирга ишлаган, ҳозирда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўлими бошлиғи олима Адиба Аҳмаджонова ўша даврларни бундай хотирлайди: “Менинг меҳнат фаолиятимнинг қарийб 17 йили Тошкент давлат аграр университети билан боғлиқ. Университетда дастлаб тайёрлов курсларида биология фани ўқитувчиси, сўнгра аста-секин хизмат пиллапояларидан кўтарила бориб, проректор лавозимида фаолият юритдим. Университетнинг ривожи, респуб-

ликадаги бошқа олий ўқув даргоҳлари ўртасидаги нуфузи қалбимиздан чуқур ҳурмат, эҳтиром билан ўрин олган академик Эркин Шайхов номи билан боғлиқдир. Агар мендан "Сиз бирга кўп йиллар меҳнат қилган Эркин Турдиевич қандай инсон эдилар?" деб сўрашса: "Устоз жуда серқирра, қаттиққўл, ўз нуқтаи назарига эга, принципиал хусусиятлари билан бирга, меҳрибон, эътиборли, омилкор раҳбар эдилар", деб жавоб қилардим. Устоз талабаларнинг юриш-туриши, ётоқхоналарининг тартиби, интизомини ҳам алоҳида эътиборларида тутардилар. Ўзлари кечқурунлари вақт топиб, бирма-бир ётоқхоналарни айланиб, талабалар билан суҳбатлашар эдилар. Эркин ака даврида университет нафақат илм ўчоғи, балки маънавият ўчоғи бўлган, десам муболаға бўлмайди".

Шахсан мен Эркин Турдиевич билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аппаратида ишлаган давримда бевосита мулоқотда бўлишимга тўғри келди. Сабаби, киши ўша пайтда Олий Мажлис депутати сифатида парламентнинг Этика қўмитасига раҳбарлик қилардилар, мен ишлаётган бўлим эса уларга бу борада ташкилий жиҳатдан кўмаклашар эди. Мен ўша пайтда ўзимга "Нима учун мазкур қўмита раҳбарлигига айнан Эркин Шайховни танлашган экан?" деган саволни берар эканман, бу саволнинг жавобини кейинчалик Эркин аканинг мажлис ва йиғилишлар олиб бориш услубларида, атрофдагилар билан бўлган муносабатларида, парламент сессияларида қатнашган музокараларда топдим. Чунки ёшликдан муомала маданиятини ва инсоний дипломатияни яхши ўзлаштирган Эркин Турдиевич баҳс-мунозара олиб бориш тартибини ҳам кўпчиликка ўрнвак бўладиган даражада яхши билар эди.

Мамлакатимизда кенг нишонланадиган "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" муносабати билан ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида мен Э.Шайховнинг хотирасига бағишлаб, 2011 йилда нашр этилган "Эзгуликка бахшида умр" китобини яна бир бор ўқиб чиқдим. Унда шундай сатрлар бор: "Ҳали ҳаёт давридаёқ Э.Шайхов қурдирган Аграр университет шаҳарчасини хорижликлар "Шайховград" деб аташарди. Ўзбеклар фахр билан "Шайхов шаҳри" дейдилар".

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг машҳур дарғаларидан бири бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Зангиота туманидаги "Қорасув" жамоа хўжалигининг раиси Аъзам Абдувалиев Эркин Турдиевич ҳақида бир пайтлар гап борганда: "У киши қалби дарё одам, яна кимга яхшилик қилсам экан, яна кимнинг бошини силасам экан, деб яшайди. Шунча одамларга яхшилик қилишга, Эркин Турдиевич қандай улгуради, ҳайрон қолади киши. Бу алломани ҳақли равишда Хазрати инсон, деб атаса бўлади", деб айтган эдилар.

Эркин Турдиевич Шайхов ҳаёти давомида шонли ва шарфли йўлни босиб ўтди. Бугун у кишини эслар эканмиз, табаррук номлари олдида таъзим қиламиз. Зеро, умрини халқ хизматига бағишлаган инсонлар хотираси ҳамиша тирикдир.

**М.ТОИРОВ.**

*ЯНГИ НАШРЛАР*

# НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАНБА

Иқтисодий интеграциялашув жараёнлари ижобий жиҳатлари билан бирга жамият ва давлат учун хавфли оқибатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўли таҳлили, жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бориши тадбиркорлик субъектлари томонидан бозорда устун мавқега эга бўлиш учун турли ноқонуний йўллардан фойдаланиш ҳолатларига, коррупцияга йўл очаётганлиги ҳам ҳақиқат.

Коррупция муаммоси умумий ва глобал характерга эга бўлиб, бундай ҳолатлар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари учун хавфли. Шу сабабли у иқтисодиётга, ҳукумат қарорларини ижросига зарарли таъсир кўрсатадиган, ахлоқни бузадиган, фуқароларнинг ишончига путур етказадиган салбий иллат сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимизда ушбу салбий иллатга қарши курашиш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат дастури, 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан "2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури" тасдиқланган. Унда "Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди.

"Тафаккур" нашриёти томонидан чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Б.Исроилов ва иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Э.Гадоевларнинг "Коррупция ва унга қарши курашишга оид атамалар ҳамда иборалар изоҳли луғати" илмий-амалий қўлланмаси айнан юқоридаги ҳужжатлар ижросига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Муаллифлар томонидан илмий-амалий қўлланмани тайёрлашда миллий ва хорижий жиноят ҳуқуқи, криминалистика, конституция, социология, философия, психологияга оид луғатлар ҳамда энциклопедиялардан унумли фойдаланиш натижасида коррупция ва у билан боғлиқ тушунчалар ўзбек кирил алифбоси, ўзбек лотин алифбоси ва рус тилида кетма-кетликда китобхонга тушунарли ҳамда равон тилда баён этилган.

Илмий-амалий қўлланма фуқароларда коррупция ва унга қарши курашишга оид билимлар шаклланишига хизмат қилади. Қўлланма билан танишган китобхон коррупция фақат пора олиш ёки бериш эмаслигини англайди ва коррупциянинг бошқа кўринишлари, унинг сабаблари ҳамда оқибатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлади.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу илмий-амалий қўлланма умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтириш тўғрисида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда талабалар, магистрлар, тингловчилар, амалиётчилар ва бошқа қизиқувчилар учун назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

**Б.ТОШЕВ,**
*юридик фанлар доктори.*

# ФАХРИМИЗСИЗ, ФАХРИЙЛАР

## ЁШЛИККА ҚАЙТИШ

*Зоҳид Солиҳовга*

Улғайишга қараб кетар ҳар инсон,
Умрин қайтармоққа йўқ сира имкон.

Бу шундай қисматки – тақдири азал,
Фанодан бақога йўл шу муфассал.

Лекин назаримда мумкиндир ҳар чоқ,
Кексалик йўлини ёшликка бурмоқ.

Айтайлик, нуроний кимсага агар
Бир ширин сўз айтсак ёшариб кетар.

Фарзандлар эъзози, аларга ҳар вақт
Руҳига куч берар, белига қувват.

Агар жамоада топса эҳтиром,
Навқирон ёшлардек ишлаcorrect мудом.

Меҳнати муносиб тақдирланса гар,
Кекса кексалигин мутлоқ унутар.

Дўстлар, ҳар одам ҳам шу кунга етсин,
Оллоҳ шу толени муяссар этсин.

## ҲАЛИМ ИНСОН ҲАҚИДА

*(мувашшаҳ)*

**Қ**айси касбда бўлса қай одам,
**А**жаб, ўхшар шу касбга феълан.
**Ҳ**айрон қолгум учрашсам ҳар дам,
**Ҳ**алим феълли бу инсон билан.

**О**тин сизга айтмоқ не даркор,
**Р**авишидан оларсиз таниб.
**Б**у инсоннинг касби пиллакор,
**О**доби ҳам ипакдек латиф.

**Б**ор борлиғи унинг меҳнатдир,
**О**зор бермас ҳатто мўрчага...

Қалбдан тилак ёзиб жўнатдик:
Ёши етсин тўқсон-юзгача.

* * * * *

Ёшликдаги заҳматинг – роҳат,
Кексалик заҳмати – мусибат.
Ёшликдаги роҳатинг – ғафлат,
Кексалик роҳатинг – фароғат.

**Тоҳир ДОЛИЕВ.**

## ТАФАККУР ҚИРРАЛАРИ

● Кексалик – вақт ўтганини сезмасдан яшаганлар учун бахт, вақт ўтиши қийин бўлганлар учун ташвиш.

● Орзу-умид билан интилиб яшаётган киши, ёшидан қатъи назар, ҳали кексайган эмас.

● Яхши одам кексайганида ўзи муаллим бўлмаса-да, ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб қолади.

● Кексайган чоғида бекор қолмаслик керак.

● Кексаликда хотира бироз сусайиши мумкин, аммо тафаккур чархланиб бораверади.

● Кексаликда катта бойлик–дилкаш дўстларнинг борлиги.

● Кексайганда англаганларимдан бири: сахий камбағалнинг душмани, хасис бойнинг дўсти кам бўлади.

● Ёшликда китобга ошно бўлган кишилар кексаликда донолар сафида бўлишади.

● Ақлли, доно кекса – оқиб турган дарё. Ундан баҳраманд бўлиш керак.

● Кексаларни улуғлаган ёшлар болаларга ибратдир. Келажакда ўзлари ҳам шундай эъзозланишади.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**
*Иқтисод фанлари доктори, профессор.*

---

● Бахтли бўлай десанг – ёшликни қувонч билан кузат, кексаликни қучоқ очиб кутиб ол.

● Болаликда одам орзулар билан яшар экан, қариганда эса – хотиралар билан.

● Донолар ҳикматларига қулоқ тутишнинг эрта-кечи бўлмайди, бироқ уларга амал қилишда кечикиш мумкин.

● Ёшлигингда отанг, қариганингда отинг бўлсин экан.

● Ёшинг улуғ бўлса ҳам таклифсиз тўрга ўтма.

● Ёшликда тор кўйлак ҳам кенг кўринарди, қариликда кенг кўйлак ҳам тор кўринар экан. Ёшликда узоқ йўл ҳам яқин кўринарди, қариликда яқин манзил ҳам узоқ кўринар экан. Ёшликда қанча гурунглашсанг ҳам оздек эди, қариликда бир оғиз сўз ҳам кўпдек кўринар экан...

● Ёшлигимда тошни толқон қилардим, қариганда толқон ҳам тош бўлиб туюлмоқда.

● Каттадан ўрган, кичикка ўргат. Бироқ зарурат туғилганда кичикдан ўрганишдан ҳам ор қилма.

● Онанг тайёрлаган таомнинг қирмочи ҳам мазали.

● Ўқитувчи, устозларни чўлга сув улашаётган ўқариққа ўхшатгим келади.

● Ҳамманинг устози – бу аввало ота билан онадир.

**Маҳмудхон ТОИРОВ,**
*меҳнат фахрийси.*

# ТАРИХ ВА ҚЎШИҚЧИЛИКНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН ОЛИМ

**Бу одамни кўпчилик ажойиб хонанда, ўзбек лирик қўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида яхши билади. Аслида эса қўшиқчилик унинг севимли машғулоти.**

Гап таниқли олим, хушовоз хонанда, тарих фанлари доктори, профессор Ҳожиакбар Ҳамидов ҳақида кетаётганини сезган бўлсангиз керак.

ХХ асрнинг 60-йиллари охирларида Ўзбекистон қўшиқчилик санъатига ўзига хос такрорланмас овози билан кириб келган ёш Ҳожиакбар Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаровнинг севимли шогирди сифатида танилди. У 1969 йилдан буён Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг турли дастурларида, 1972 йилдан буён эса Ўзбекистон давлат филармонияси (Ўзбекконцерт) концертларида яккахон хонанда сифатида иштирок этиб келади.

Қаҳрамонимизнинг санъаткорлик маҳорати ва ўзига хос қўшиқчилик ижроси алоҳида тадқиқот мавзуси, албатта. Шунинг учун ушбу мақолада биз йирик олим ва мураббийнинг тарихчилик ҳамда педагогик фаолияти тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

1949 йили Тошкент шаҳрида туғилган Ҳ. Ҳамидов 1973 йили ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Тарих факультетини тугатди. У ўзининг мураббийлик ва илмий фаолиятини 1975 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлади. 1982–1985 йилларда мазкур институт аспирантурасида таҳсил олган домла 1986–2016 йилларда, яъни 30 йил мобайнида Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)да фаолият кўрсатди, доцентликдан профессорликкача бўлган шонли йўлни босиб ўтди. 2016 йилдан ҳозиргача эса Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида профессор лавозимида самарали меҳнат қилмоқда.

Маълумки, шўролар даврида Ўзбекистонда тарих фани бутунлай коммунистик мафкура измига бўйсундирилиб, халқимизнинг кўп минг йиллик бой, бетакрор маданияти ва санъати тарихи камситилган эди.

Ҳожиакбар Ҳамидов институтда ишлаб юрган ва аспирантурада таҳсил олган йилларида республикамизда мусиқа маданияти тарихи бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борди. У ўзи жуда яхши билган икки соҳа: ўзбек халқи қўшиқчилик санъати ҳамда Ўзбекистон тарихи фанини уйғунлаштирган ҳолатда маданият тарихига оид ўзига хос ва бетакрор тадқиқотлар яратди. 1985 йили у "Ўзбекистонда бадиий ҳаваскорлик санъатининг ривожи (1971–1980 й.)" мавзусида номзодлик, 1997 йилда эса "Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи (Энг қадимги даврлардан ҳозиргача)" мавзусида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳ. Ҳамидов Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид 100дан ортиқ илмий ва омабоп мақола, 3 та монография, 20 дан зиёд тарихий рисола, турли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи саналади. Унинг "Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи" (1996), "Мени ёд эт" (2000), "XVI–XIX асрлар юртимиз маданияти тарихидан лавҳалар" (2009) монографиялари, "Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача)" [Ҳ.Бобобеков, Қ.Ражабов, С.Холбоев, И.Шоймардонов билан ҳаммуаллифликда, 3-нашр; 2018] қисқача маълумотномаси, "O'zbekiston tarixi" (Кўлдош Эргашев билан ҳамкорликда; 2015) номли олий ўқув юртлари, лицей ва коллеж талабалари учун ўқув қўлланмаси ва бошқа китоблари чоп этилиб, аллақачон ўқувчилари ва мухлислари ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетган.

Домла йирик тарихчи олим ва тажрибали мураббий сифатида шонли ҳаёт йўлини босиб ўтмоқда. У ўз асарларида келтирган манбавий асос ва далиллар, мавзунинг қўйилиши ва ёритилиши, таҳлил ва талқин, тарихий воқеалар тасвири ҳамда чиқарган илмий хулосалар китобхонни асло бефарқ қолдирмайди. Ўқувчи олимнинг қаламига мансуб илмий мақолалар ва тарихий китобларни ўқиганида кўп нарса ўрганади, халқимизнинг кўп йиллик тарихига ошно бўлади.

2012 йили Тошкент шаҳрида бир гуруҳ олимлар томонидан жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган Турон Фанлар академиясига асос солинди. Тарих фанлари доктори Ҳайдарбек Бобобеков раҳбарлик қилаётган бу академияни ташкил қилиш ва унинг дастлабки ишларини йўлга қўйишда Ҳожиакбар Ҳамидовнинг хизмати ҳам катта бўлди.

Турон ФА томонидан 2013–2016 йилларда ўзбек ва рус тилларида "Турон Фанлар академияси ахборотномаси"нинг тўртта катта тўплами чоп этилди. "Турон тарихи" ва "История Турана" журналлари ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди. Серқирра олим ва жамоат арбоби Ҳ. Ҳамидов айни пайтда Турон Фанлар академиясининг биринчи вице-президенти ҳисобланади.

Санъаткорлик, тарихчи-педагоглик, китобни севиш, илмий-тадқиқот билан шуғулланиш каби жиҳатлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ҳожиакбар ака ўзининг ҳаёт йўли, меҳнати, ижодий фаолиятида ҳар учала йўналишда тинимсиз ғайрат ҳамда шижоат билан меҳнат қилдики, натижада илмий фаолиятда ҳам, педагогликда ҳам, хонандаликда ҳам бошқалар ҳавас қиладиган ютуқларга эришди.



Ҳ. Ҳамидов тақдирига санъатда ҳам, илмда ҳам буюк, бетакрор, ажойиб инсонлар – Ўзбекистон халқ ҳофизи, элимиз севган қўшиқчи Фахриддин Умаров ва Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлар доктори, профессор Эркин Юсуповдек шогирдпарвар устозларга рўпара қилгани учун шукроналар айтади. Ҳожиакбар ака устозларига муносиб шогирд бўлишга шунчалик самимийлик ва садоқат билан ҳаракат қилдики, у кишини яқиндан танийдиган инсонларнинг барчаси унинг бу хислатларини алоҳида ҳурмат қиладилар.

Олим ва санъаткорнинг хизматлари ва заҳматли меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1992 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони, 2017 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди. Шунингдек, кўплаб нишонларга ҳам лойиқ кўрилган. Ҳ.Ҳамидовнинг илмий ва мураббийлик ҳамда маданият соҳасидаги фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильмлар суратга олинган.

Ўзбекистон тарихи фани ва ўзбек халқи миллий қўшиқчилик санъатини ўзаро уйғунлаштирган инсон, таниқли тарихчи олим ва мураббий, ёшларнинг севимли устози, пиру бадавлат хонадоннинг отахони, кўплаб невараларнинг севимли бобоси Ҳожиакбар Ҳамидов қутлуғ 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан устозга мустаҳкам соғлиқ, жўшқин ижод, узоқ, хайрли ва хотиржам умр тилаб қоламиз.

**Қаҳрамон РАЖАБОВ,**
*тарих фанлари доктори, профессор.*

# O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ



Таҳрир ҳайъати:

Аброл ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шуҳрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ



2019 йил, №10. Октябрь

Журнал 1922 йил октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкилотлар учун – 895


## МУНДАРИЖА


**Т.МУҲАММАД.** *Ўн йиллик истиқбол кўзгуси* .......... 1
*Асосий эътибор янги технологияларга қаратилади* .......... 2
**Ш.ОРИПОВ, Ҳ.ҚАРШИБОЕВ, Б.ХАЙДАРОВ, Ҳ.ЮСУПОВ, С.ҒАЙБУЛЛАЕВ,** *Қир-адирда меҳнат авжида* .......... 3
**Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, Р.ТЎРАМАТОВ, О.МУРАТОВ** *Эрта экканн эрта йиғади* .......... 4
**А.АХМЕДЖАНОВА** *Соғлом сайёрага соғлом аёл керак* .......... 8
*Орденли опа хонадонида* .......... 9
**Ш.НОРМУРОДОВ** *Меҳнатидан бахт топиб* .......... 10
**А.ТОИРОВ** *Маҳаллий меваларимиз кўпаяди* .......... 11
**Д.ЁРМАТОВА.** *Ўзбекистонда зайтун ҳосилга кирди* .......... 12
*Ҳар қатраси олтинга тенг* .......... 13
**Х.КАРИМОВ,** *Хориж билан ҳамкорлик самараси* .......... 14
*Томчилатиб суғориш – тежамкорлик ва ҳосилдорлик омили* .......... 15
**Н.БЕРДИЕВА** *Сув – бу ҳаёт* .......... 16
*Касбим – фахрим* .......... 16
*Маслаҳатда маъни бор* .......... 18
*Қоракўлчилик истиқболи йўлида* .......... 19
*Ғурур, ифтихор туйғуси* .......... 20
**К.ХАЙИТБОЕВ.** *Қўрғонтепалик Гуллола* .......... 21
**Р.ТОЖАЛИЕВА.** *Омилкорлик – омад калити* .......... 22
**Г.ДЖУМАНИЁЗОВА.** *Микробиологик биоўғитлар – тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширади* .......... 23
**Р.КАЗАКОВ** *Қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг шашти баланд* .......... 27
**Б.ЭСОНОВ.** *Анорчи Жўрабой бобо* .......... 28
*Боғбон Шерали ака* .......... 28
**С.САЛИХОВ, С.ШАРИПОВ.** *Етмак – ноёб ўсимлик* .......... 29
**А.АМАНТУРДИЕВ, М.МИРАХМЕДОВ, Я.БАБАЕВ, К.МИРЗОЁҚУБОВ, Б.НОРОВ.** *Районлашган С-8290 ғўза нави* .......... 30
**Б.ИСМОИЛХОДЖАЕВ, Р.ТЕЛЛЯЕВ.** *Давр талабига монанд дарслик* .......... 31
**А.ҲАМЗАЕВ, Б.САФАРОВ.** *Ўрмон кўчатларини етиштиришнинг янги усули* .......... 32
**П.ТОРЕШОВ.** *Биоресурсы – резерв развития приаралья* .......... 33
**А.ХАЙДАРОВ, Н.ЎРАЗМАТОВ.** *Суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёрларининг ғўза навлари тола сифатига таъсири* .......... 35
**У.САДИЕВ, А.ПЕТРОВ, А.ЭРНАЗАРОВ.** *Хандам каналининг гидравлик ишончли параметрларини ҳисоблаш* .......... 36
**Г. УРУНБАЕВА, Х.АБДУМУТАЛИПОВА.** *Влияние повторных культур на урожайность озимой пшеницы и плодородие почвы* .......... 37
**А.САИТОВ, И.КОЛЕСНИКОВ.** *Ступенчатый режим комбинированной сверхвысокой частоты сушки зерновых* .......... 39
**С.ЗАКИРОВА, Р.АКБАРОВ, Н.МАХСУТАЛИЕВ.** *Генезис пустынно-песчанных почв Центральной Ферганы* .......... 40
**Д.РАХМАНОВ, З.АХМЕДОВА, Т.ШОНАХУНОВ.** *Аралашмали силос тайёрлаш* .......... 41
**А.ФАТХУЛЛАЕВ, Ш.УМИДОВ, Ж.ПАРДАЕВ, О.ВЕРУШКИНА, А.ФАТХУЛЛАЕВ, С.ИБРАГИМОВА.** *Применение импортозаменяющих белковых добавок местного происхождения в технологии переработки животного сырья* .......... 43
**М.ТОИРОВ.** *Эзгуликка бағишланган умр* .......... 44
**Б.ТОШЕВ.** *Назарий ва амалий манба* .......... 45
*Фахримизсиз, фахрийлар* .......... 46
**Қ.РАЖАБОВ.** *Тарих ва қушиқчиликни уйғунлаштирган олим* .......... 47



Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

**Манзилимиз:** 100004, Тошкент ш., Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.
**Тел:** +998 71-242-13-54, +998 71-242-13-24.
**www.qxjurnal.uz**
**E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru, qxjurnal@agro.uz**



**© «O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi»**



Босмахонага топширилди: 2019 йил 28 сентябрь. Босишга рухсат этилди: 2019 йил 30 сентябрь. Қоғоз бичими 60х84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №32. Нусхаси 1600 дона.
**«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.**
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**

# ИСТИҚБОЛЛИ ГИЛОС НАВЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК ВА БИОЛОГИК ТАВСИФИ

**The article presents data on the study of promising varietes of Sweet cherries. By the average weight of one fruit, tasting assessment and yield, The Melitopol Early and Russian varieties stood out.**

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати томонидан мевачилик соҳасини янада ривожлантириш, интенсив боғлар барпо қилиш, қимматли мева экинларининг майдонини кенгайтириш, илғор технологияларни жорий этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Янги гилос боғларини барпо қилишда истиқболли навларни жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Гилос мўътадил иссиқ ва иссиқ иқлим ўсимлиги, қимматли, кенг тарқалган мева экинларидан ҳисобланади. Гилос бўйи 10–15 метргача етадиган, шох-шаббаси сийрак, йўғон шохлари кам бўлган баланд дарахт. Ўзбекистонда етиштириладиган гилос мевасининг таркибида 12,2% шакар, 0,23% кислоталар, С ҳамда А витаминлари бор. Гилоснинг айрим дарахтлари 80–100 йил яшайди.

Академик М.Мирзаев номли БУваВИТИ Самарқанд илмий-тажриба станцияси шароитида Россия ва Украинадан келтирилган ҳамда Ўзбекистонда яратилган истиқболли гилос навларининг хўжалик ва биологик хусусиятлари, мевасининг сифат кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги ўрганилди.



*2-расм. "Мелитопольская ранняя" нави пишган мевасининг кўриниши*

**Истиқболли гилос навларининг хўжалик ва биологик тавсифи**

*БУваВИТИ Самарқанд илмий-тажриба станцияси*

| Навлар | Гуллаш | | Меваларнинг пишиши | Барг тўкилиши | | Ўсув даврнинг давомийлиги, кун | Бир дона мевасининг ўртача вазни, г | Дегустация баҳоси, балл | Ҳосилдорлик | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | бошланиши | ялпи гуллаш | | бошланиши | тугаши | | | | ц/га | % |
| **Ревершон - назорат** | 07.04 | 11.04 | 25.05-30.05 | 01.11 | 01.12 | 238 | 7.0 | 4,5 | 99,5 | 100,0 |
| **Мелитопольская черная** | 04.04 | 07.04 | 25.05-30.05 | 29.10 | 27.11 | 237 | 7,5 | 4,6 | 117,7 | 118,3 |
| **Русская** | 05.04 | 08.04 | 25-30.05 | 30.10 | 29.11 | 238 | 9,1 | 4,8 | 121,8 | 122,4 |
| **Баҳор** | 22.03 | 25.03 | 15-20.05 | 21.10 | 20.11 | 243 | 8,2 | 4,5 | 111,9 | 112,5 |
| **Мелитопольская ранняя** | 16.03 | 18.03 | 08-13.05 | 20.10 | 20.11 | 249 | 7,6 | 4,6 | 128,2 | 128,9 |
| **Қора гилос** | 25.03 | 28.03 | 10-15.05 | 26.10 | 22.11 | 242 | 4,9 | 4,5 | 107,5 | 108,1 |

ЭКФ$_{05}$(энг кичик фарқ) =5,84 га /ц. Sx % =3,98%



*1-расм. Гилос ҳосилини мониторинг қилиш*

Тажрибалар Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станцияси шароитида ўтказилиб, гилоснинг "Мелитопольская ранняя", "Мелитопольская черная" (Украина), "Русская" (Россия) навларининг хўжалик ва биологик хусусиятлари, мевасининг сифат кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги ўрганилди. Тажрибалар И.В. Мичурин номидаги Россия боғдорчилик илмий-тадқиқот институтининг "Мевали экинлар навларини синаш услуби ва дастури" ҳамда ТошДАУ Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида бажарилди (жадвал).

Боғдаги гилос навларининг дарахтларида олиб борилган фенологик кузатишларга кўра, уларда гуллашнинг бошланиши 16 март-07 апрелга тўғри келди. Гуллашнинг бошланиши "Мелитопольская ранняя" навида 16 мартда, "Баҳор" нави-